Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 104 (5695).
7 МАЙ 1985 й.
СЕШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига

ДЎСТОНА УЧРАШУВ

5 май куни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитети ва СССР Олий Совети Президиумининг таклифига биноан дўстона визит билан Совет Иттифоқига келган ГБСП Марказий Комитетининг Бош секретари, ГДР Давлат Кенгашининг Раиси Э. Хонеккер билан учрашди.

Э. Хонеккер Ватан урушидаги Ғалабанинг 40 йиллиги муносабати билан Германия Демократик Республикаси меҳнаткашлари номидан совет халқини самимий қутлади. У фашизмни тор-мор қилишда, Европа халқларини, жумладан немис халқини гитлерчилар истибдодидан халос этишга Совет Иттифоқи, унинг шонли Қуролли Кучлари ҳал қилувчи ҳисса қўшганлигини уқтириб ўтди. Немислар диёрида ишчи ва деҳқонларнинг биринчи давлати ана шу Буюк Ғалаба туфайли ташкил топди. У СССРнинг содиқ дўсти ва ишончли иттифоқчиси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади, социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатлар билан биргаликда социализм позицияларини мустаҳкамлаш, Европада тинчликни ҳимоя қилиш учун куч-ғайратларни аямайди.

Иккала томон ҳозирги халқаро вазиятнинг энг муҳим проблемалари юзасидан фикрлашув чоғида ер юзида қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва унинг космосга ёйилишига йўл қўймаслик бугунги шароитда ғоят муҳим аҳамиятга эга эканлигини уқтириб ўтди. Шу муносабат билан ГФРда Американинг биринчи зарба берувчи ядро ракеталарини жойлаштириш давом этаётганлиги, шунингдек Бонн стратегик мудофаа деб аталган соҳада амалда Америка режаларини маъқуллаётганлиги унинг немислар диёридан ҳеч қачон янги уруш хавфи чиқмаслиги учун барча ишларни қилишга тайёрлиги тўғрисидаги ваъдаларга тўғридан-тўғри зид эканлиги айтилди. Европа мамлакатлари, шу жумладан ГФРнинг хавфсизлик манфаатлари сиёсатда милитаристик ва реваншчилик концепцияларидан воз кечишни, иккинчи жаҳон уруши ва урушдан кейинги ривожланиш натижасида вужудга келган сиёсий ва территориал реалликлар тўла эътироф этилишини талаб қилади. Давлатлар ўртасидаги муносабатларда ишончни мустаҳкамлашга, яхши қўшничилик ҳамкорлигини кенгайтиришга олиб борадиган мустаҳкам йўл мана шулардан иборатдир. СССР билан ГДР «Германия масаласи ҳал этилмаганлиги»га доир ҳар қандай концепцияларга қатъиян қарши чиқадилар.

Иккала қардош партияларнинг раҳбарлари СССР билан ГДР ўртасидаги муносабатларнинг аҳволи ва бу муносабатларни ривожлантириш истиқболларини кўриб чиқдилар. Партиявий, давлат ва ижтимоий йўл билан алоқаларни, халқ хўжалиги вазифаларини ҳал этишдаги, айниқса, фантехника тараққиётининг энг муҳим йўналишларидаги баҳамжиҳат ҳаракатни бундан буён ҳам янада такомиллаштиришга ҳар иккала томон азму қарор берганлиги изҳор қилинди.

Суҳбат сидқидиллик ва тўла бирлик вазиятида ўтди.

(ТАСС).

ЛЕНИН БАЙРОҒИГА САДОҚАТ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА УЛУҒ ВАТАН УРУШИ ВЕТЕРАНЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Социалистик Ватанни гитлерчиларнинг босқинидан ҳимоя қилиб, Европа халқларини фашистлар қуллигидан қутқариб қолган совет кишиларининг жанговар ва меҳнат жасорати ҳеч қачон сўнмайди. Тарихий Ғалабанинг 40 йиллиги арафасида совет халқи Улуғ Ватан урушининг мард фронтчилари ва партизанларини, меҳнат фронтининг фидокор жангчиларини, қаҳрамон аёлларни — уруш синовларининг машаққатли йилларида бардош бериб, ғалаба қозонган барча кишиларни шарафламоқда. Тинч ҳаётга қайтиб, жонажон Ватан шоншуҳратини ошираётган кишиларни шарафламоқда.

Совет халқи Улуғ Ватан урушида қозонган Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган тантаналарда қатнашиш учун мамлакатнинг барча томонларидан минглаб уруш ва меҳнат ветеранлари Москвага келдилар. Улардан катта бир группаси 5 май куни КПСС Марказий Комитетига таклиф этилди. Бу ерда **М. С. Горбачев, Е. К. Лигачев, Г. В. Романов, Н. И. Рижков, В. И. Долгих, Б. Н. Пономарев, С. Л. Соколов, И. В. Капитонов, В. П. Никонов** ўртоқлар ветеранлар билан учрашдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев учрашувни оча туриб, ветеранларни буюк байрам билан самимий қутлади, партия, давлат уларнинг шонли ишларини, душман устидан қозонилган ғалабага улар қўшган ҳиссани ҳамиша ёдда тутаётганликларини ва бундан буён ҳам ёдда тутишларини таъкидлади.

Сўнгра ветеранлар ўз турмуши ва ишлари тўғрисида сўзлаб, ўзларини тўлқинлантираётган нарсалар ва юмушлар тўғрисидаги фикрларини ўртоқлашдилар.

Уруш ветеранлари Совет комитетининг раиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони генерал-полковник **А. С. Желтов** мамлакатимизда уруш ветеранларига кўрсатилаётган доимий эътибор ва оталарча ғамхўрлик учун, уларга билдирилаётган иззат-ҳурмат учун Ленин партиясининг Марказий Комитетига ҳамда Совет ҳукуматига астойдил миннатдорчилик ва ташаккур изҳор этди.

Ветеран жангчилардан олти ярим миллион киши, деди у, умумхалқ байрами — Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг 40 йиллигини социалистик Ватан учун жангда совет халқи кўрсатган жасоратга, урушдан кейинги қурилиш зафарларига дахлдорлиги англаб ифтихор туйғуси билан, жанговар ўртоқларнинг хотираси олдидаги бурчни чуқур ҳис этиш билан қутиб олдилар.

Барча совет кишилари каби ветеранлар ҳам Ленин партияси теварагида маҳкам жипслашганлар, улар КПСС Марказий Комитети апрель Пленумининг қарорларини қизғин маъқуллаб, қўллаб-қувватламоқдалар.

Уруш ветеранлари Совет комитети келгуси йилда ўз фаолиятининг 30 йиллигини нишонлайди, бугун эса қисқача қилиб шуни айтишга ижозат бергайсиз: ветеранларнинг қалби ҳамиша ёш бўлиб, улар меҳнат қилиб келмоқдалар, партиямиз совет халқи олдига қўйган вазифаларни ҳал этишга баҳоли қудрат ҳисса қўшмоқдалар.

А. С. Желтов совет уруш қатнашчилари партиянинг, Совет давлатининг тинчлик ташаббусларини барча мамлакатлардаги миллионлаб кишилар билиб олишлари учун ҳамма ишни қилаётганликларини қайд этиб ўтди. Ветеранлар маҳаллий партия органларининг раҳбарлигида совет ёшларини ватанпарварлик ва интернационал руҳда тарбиялаш ишига кўп куч-ғайрат сарфламоқдалар, меҳнат шавкати, юксак уюшқоқлик ва интизом намуналарини кўрсатмоқдалар.

У ветеранлар тўғрисида қилинаётган ғамхўрлик учун партия ва ҳукуматга миннатдорчилик изҳор этиш билан бир вақтда баъзи маҳаллий ходимлар ветеранларнинг талаб-эҳтиёжларига ҳамиша ҳам тегишлича эътибор бермаётганликларини айтиб ўтди.

Хотин-қизлар авиация полки эскадрильясининг собиқ командири, эндиликда уруш ветеранлари Совет комитетининг мактаб ўқувчилари ўртасида иш олиб бориш комиссиясининг раиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони **Н. В. Попова** қуйидагиларни айтди: даҳшатли ва унутилмас уруш тугаганига қирқ йил бўлди. Бугунги кунда биз ўша йилларни ҳаяжон билан эсга оламиз. У йиллар бутун халқимиз учун қаттиқ синов бўлган эди, совет хотин-қизлари ҳам ана шу синовларга эркаклар билан баб-баравар бардош бердилар. Миллионлаб хотин-қизлар, ўсмирлар завод ва фабрикаларда меҳнат қилганликларини, ғалла экиб, қурол ясаганликларини, кўпинча тўйиб овқат емай, тўйиб ухламай, ҳамиша Ватан тақдири учун, ўзларининг фронтдаги яқин кишилари тақдири учун ташвиш чекиб яшаганликларини халқимиз ҳеч қачон унутмайди. Улар тўғрисида ҳали кўп нарса ёзилади ва айтилади, деб ўйлайман. Улар шунга муносибдирлар, чунки бизнинг ғалабамиз — умумхалқ жасоратидир.

(Давоми иккинчи бетда).

ВЕТЕРАН

Қалбларимизда яшайдиган жасорат

Уруш ва меҳнат ветеранлари.... Биз бугунги кунда эришган зафарларимиз — ер куррасидаги нурафшон тинчлик, она-Ватанимизнинг сиёсий ва иқтисодий қудрати ҳамда барча ютуқларимиз билан чексиз фахрланамиз. Уруш ва меҳнат ветеранларининг ҳар бири жуда оғир ва машаққатли ҳаёт йўлини босиб ўтишган. Улар иштирок этган ва ҳисса қўшган уруш узоқ ва машаққатли бўлди, жанг майдонларининг маррасида ва фронт орқасида ғалаба учун мислсиз жасорат кўрсатилди.

5 май куни КПСС Марказий Комитетида Улуғ Ватан уруши ветеранлари билан бўлган учрашувда М. С. Горбачев партия, давлат ветеранларининг шонли ишларини ҳамиша ёдда тутишларини таъкидлади. СССР Олий Совети Президиуми ветеранларнинг хизмати ҳурматини бажо келтириб, уларни юбилей муносабати билан орденлар ва медаллар билан мукофотлаш тўғрисида Фармон эълон қилди. Ветеранларнинг сиҳат-саломатлиги, уларнинг турмуш, уй-жойи шароитлари билан боғлиқ бўлган эҳтиёжини қондириш тўғрисида ҳам доимо ғамхўрлик қилинмоқда. Кейинги пайтларда уруш қаҳрамонларининг хотираларини абадийлаштириш, уруш қатнашчилари ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилалари учун қўшимча имтиёзлар ва қулайликлар яратиб бериш тўғрисида қатор қарорлар қабул қилинди. Партиямиз, умуман Ватан довюрак фарзандларининг ҳаёти фаровон, бахтиёр, самарали бўлиши учун ҳамма зарур чораларни кўрмоқда.

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газета редакциялари қошидаги уруш ва меҳнат ветеранларига кўмаклашувчи жамоатчилик Совети Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги муносабати билан фронтларда жанг қилган ва заводларнинг цехларида ўзларининг матонатли меҳнати билан ғалабага муносиб ҳисса қўшган пойтахтимизнинг барча аҳолисини чин қалбдан муборакбод этади.

(Ветеранлар тўғрисидаги ғамхўрликка бағишланган мақолаларни газетанинг 3-саҳифасида ўқийсиз).

МОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев 5 май куни Кремлда Ғарбий Берлин Бирлашган социалистик партиясининг Раиси Х. Шмиттни қабул қилди.

* * *

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев 5 май куни Кремлда Германия Компартиясининг Раиси Герберт Мисни қабул қилди.

* * *

ГБСП Марказий Комитети ва ГДР ҳукуматининг таклифига биноан, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР маданият министри П. Н. Демичев бошчилигидаги СССР партия-ҳукумат делегацияси 6 май куни Москвадан Берлинга жўнаб кетди. Делегация немис халқи Гитлер фашизмидан халос этилганлигининг 40 йиллиги байрамида иштирок этади.

* * *

Берлин аэродромида делегацияни ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари Г. Аксен, В. Кроликовский, Э. Мюккенбергер, К. Хагер, Г. Хебер, ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат Г. Шюрер кутиб олишди.

* * *

Навоий область партия-хўжалик активининг 6 май куни бўлиб ўтган йиғилишида область партия, совет ва хўжалик ташкилотларининг 1986-1990 йилларда уй-жой-коммунал ва маданий-маиший қурилишни ривожлантириш соҳасидаги вазифалари муҳокама этилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев доклад қилди.

БУЮК ҒАЛАБА БАЙРАМИГА

Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг 40 йиллик байрамига бағишланган тантаналарда қатнашиш учун Совет Иттифоқига келган Лаос Халқ революцион партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Лаос Халқ-Демократик Республикаси Президенти Суфанувонг бошчилигидаги Лаос делегацияси ҳамда Вьетнам Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Вьетнам Социалистик Республикаси Давлат Кенгаши Раисининг ўринбосари Тю Хюи Ман бошчилигидаги Вьетнам делегацияси Тошкентда тўхтаб ўтди.

Тошкент аэропортида меҳмонларни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. У. Салимов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ҳ. А. Шоғазатов, республика Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. П. Романовский, Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри Р. Нишонов, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Делегациялар Ўзбекистон ССР Олий Советида қабул қилинди. Улар В. И. Ленин ҳайкали пойига ҳамда Парадлар хиёбонидаги Номаълум солдат қабрига гуллар қўйдилар, В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалини, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасини бориб кўрдилар, республика пойтахтининг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар.

(ЎзТАГ).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

МУРМАНСК ШАҲРИГА «ҚАҲРАМОН ШАҲАР» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Шаҳар меҳнаткашлари, Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти жангчилари Улуғ Ватан урўши йилларида Мурманскни ҳимоя қилишда кўрсатган мардлик ва матонат учун **Мурманск шаҳрига «Қаҳрамон шаҳар»** фахрий унвони берилиб, **Ленин** ордени ва **«Олтин Юлдуз»** медали топширилсин.

СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари В. КУЗНЕЦОВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль.
1985 йил 6 май.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СМОЛЕНСК ШАҲРИГА «ҚАҲРАМОН ШАҲАР» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Улуғ Ватан уруши йилларида Смоленск ҳимоячилари кўрсатган мардлик ва матонат, немис-фашист босқинчиларига қарши курашда меҳнаткашларнинг оммавий қаҳрамонлиги учун **Смоленск шаҳрига «Қаҳрамон шаҳар»** фахрий унвони берилиб, **«Олтин Юлдуз»** медали топширилсин.

СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари В. КУЗНЕЦОВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль.
1985 йил 6 май.

УРУШ ВЕТЕРАНЛАРИ СОВЕТ КОМИТЕТИНИНГ БАЁНОТИ

Шу кунларда, фашизм устидан қозонилган Буюк Ғалаба арафасида биз, Совет Иттифоқидаги уруш ветеранлари бундан 40 йил муқаддам ер юзидаги ҳозирги тинчлик учун олиб борилган жанг майдонларида ўз ҳаётини қурбон қилган кишилар руҳини ҳар қачонгидан кўра кучли ҳис этиб турибмиз. Бутун бир авлод қони билан вужудга келтирилган маҳрумликлар эвазига сақлаб қолинган барча нарсалар биз учун ғоят муқаддасдир.

Америка президентининг Битбургдаги фашистлар мозорини зиёрат қилиши тўғрисидаги хабар ёр-биродарлари ва ватандошлари жангларда ҳалок бўлган, бомбалар остида қурбон бўлган, қийноққа солиниб, отиб ташланган, крематорийларда ва гулханларда куйдирилган миллион-миллион руслар, белоруслар, украинлар, поляклар, югославлар, французлар, бельгияликлар, яҳудийлар, голландияликлар, данияликлар, норвегияликлар ва кўплаб бошқа халқлар учун даҳшатли ҳақоратдек эшитилади.

Уруш қурбонлари хотираси учун, ўзининг америкалик гражданлари, ўз ватандошлари учун бундан ҳам ҳақоратли иш бўлиши мумкин эмас. Чунки Битбургдаги мозорда ўн минглаб америкаликларни Арденнида қириб юборган, Мальмедида америкалик асирларни ёппасига қириб ташлаган СС немис солдатлари кўмилган. Фашизм шунчаки армияларга қарши жанг қилгани йўқ, у халқларни, миллатларни қириб ташлади. АҚШ президенти Европада ҳалок бўлган ва қийноққа солинган кишилар хотирасини таҳқирлаш учун қандай маънавий ҳуқуққа эга бўлиши мумкин? Ўтмишни унутиш хавфли, уни бузиб кўрсатиш эса янада хатарлидир! Фашист жаллодлари гўристонини зиёрат қилишни оқлаб кўрсатишга сурбетларча қилинаётган ҳар қандай уринишлар ҳеч кимни чалғита олмайди.

Президент Рузвельт бир вақтлар ,урушнинг оғир кунларида шундай деган эди: «Россия ўзини нацизмдан қутқарар экан, у бутун дунёни қутқаришни кўзламоқда. Бизлар келгуси дунёда яхши қўшни ва самимий дўст бўла оладиган ана шу мамлакатдан миннатдор бўлишимиз керак».

«Келгуси дунё» етиб келди ва Америка халқи номидан айтилган ана шу сўзлар АҚШнинг ҳозирги президенти учун васият бўлиб қолмаганлиги ачинарлидир.

АСРИМИЗНИНГ ЭНГ КАТТА ВОҚЕАСИ

Улуғ Ватан урушида совет халқи Ер юзида тинчлик ва ҳаётни деб ғалаба қозонди. Инсоният кўп жиҳатдан дунёда биринчи социалистик давлат туфайли фашистлар асорати хавфидан қутулиб қолди, озодликка эришди. Урушнинг бошидан-охиригача совет-герман фронти энг асосий, ҳал қилувчи фронт бўлди. 6 май куни совет ва чет эл журналистлари учун Москвада ўтказилган матбуот конференциясида шу ҳақда гапирилди. Матбуот конференцияси Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг жаҳоншумул тарихий аҳамиятига бағишланди.

Матбуот конференцияси қатнашчиларининг нутқларида фашизм кучлари устидан қозонилган Ғалаба жаҳон тараққиётининг бундан буёнги бутун боришига жуда чуқур таъсир ўтказганлиги уқтириб ўтилди. Инсоният тарихидаги янги давр марраси шу Ғалаба кунидан бошланди, ўз моҳияти жиҳатидан уни XX асрнинг энг катта воқеаси деб ҳисоблаш мумкин.

Империализмнинг агрессив кучлари тор-мор этилганлиги бир қанча давлатларда халқ демократик революциялар учун қулай шароит вужудга келтирди, капитал мамлакатларидаги синфий курашнинг кучайишига, миллий озодлик ҳаракатининг гуркираб ўсишига, мустамлакачилик системасининг барбод бўлишига қудратли омил бахш этди. Мана шуларнинг ҳаммаси халқаро майдондаги кучларнинг нисбати социализм фойдасига тубдан ўзгариши учун замин яратди. Ер юзида тинчликни сақлаб қолиш имкониятини анча кенгайтирди.

Совет ҳарбий бошлиқлари журналистларнинг саволларига жавоб қайтардилар.

(ТАСС).

Радио куни шарафига

Ўзбекистон жамоатчилиги алоқа барча тармоқларининг профессионал байрами — Радио кунини нишонлади. 6 май куни Тошкентда, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида шу санага бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшитириш давлат комитетининг раиси И. Т. Юсупова доклад қилди.

Телевидение ва радио эшиттириш ходимлари республикани иқтисодий ва социал ривожлантириш планларининг бажарилишини идеологик жиҳатдан таъминлаш учун барча турдаги фаолияти билан кўмаклашаётганликлари, партия ва ҳукумат қарорларини пропаганда қилишда, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишида фаол қатнашаётганликлари йиғилишда таъкидлаб ўтилди. Бутун совет халқи қатори телевидение, радиоэшиттириш ва алоқа барча тармоқларининг ходимлари ҳам КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми қарорларига жавобан беш йиллик топшириқларини барвақт бажариш учун мусобақани авж олдириб, уюшқоқлик, интизом ва тартибни мустаҳкамлаш бўйича ўзларининг ишчан ҳиссаларини қўшишга ваъда берди.

Партиянинг XXVII съездини муносиб кутиб олишга тайёргарлик кўрмоқдалар.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Ҳ. Абдуллаева, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султонова иштирок этдилар. **(ЎзТАГ).**









БУГУН—РАДИО КУНИ

«ТОШКЕНТДАН ГАПИРАМИЗ ВА КЎРСАТАМИЗ»

Шаҳримиз, бутун мамлакатимиз меҳнаткашлари ҳар тонг эрталаб ер куррамиз бўйлаб қандай янги хабарлар борлигини тинглаш мақсадида радиони бураб қўядилар. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида —1921 йилда В. И. Ленин Шаболовкадаги пўлат миноранинг монтаж қилинишини жуда катта диққат-эътибор билан кузатиб турган ва дорихиммиз келажакда радио ҳар бир хонадонга албатта кириб боришини орзу қилган эди...

1926 йилда Тошкентда дастлабки синов радио эшиттиришлари олиб борилди. 1927 йилда оммавий радиостанция ишга туширилиши натижасида бутун республика бўйлаб мунтазам радио эшиттиришлари таратиш имконияти яратилди. Бугунги кунда республика радиоси бир неча программа ва бир неча тилда эшиттиришлар олиб бормоқда, Бутуниттифоқ радиосининг эшиттиришлари трансляция қилинмоқда. Бундан қарийб ўттиз йил муқаддам фаолиятини бошлаган Ўзбекистон радиоси ҳозирда чет мамлакатлар учун ҳам эшиттиришлар тайёрламоқда.

Шаҳримизда янги радио-телевизион минора ишга туширилиши муносабати билан телевизион кўрсатувлар сифати янада такомиллашди. Унинг 375 метрли минораси Ўрта Осиёда энг баланддир.

Кеча Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида Радио кунига бағишланган байрам бўлиб ўтди. Бу ерда оммавий сайл ўтказилди, радио ва телевидение артистлари ва ижодий коллективлари маҳоратларини намойиш этдилар.

* * *

СУРАТЛАРДА: телеоператор Ш. Қодиров, бош телеоператор М. Муслимов, музикали программалар режиссёри А. Боқиев, телеоператор ассистенти А. Сулаймонов; «Ёшлик» радиостанцияси бош редакцияси ходимлари.

В. Молгачёв фотолари.

ЛЕНИН БАЙРОҒИГА САДОҚАТ

(Боши биринчи бетда).

Уруш тугагандан кейин биз, ҳамма хотин-қиз учувчилар тинч касбларга қайтдик. Ҳозир бизнинг болаларимиз, невараларимиз ўсмоқда. Бизнинг бутун фикру зикримиз Ватаннинг келажаги тўғрисидадир. Шу ерда ҳозир бўлган кўпгина ветеранлар каби мен ҳам мактабларда, фабрикалар, заводларда доимо бўлиб тураман. Ҳар гал ёшлар билан учрашганда улардан қувониб, фахрланаман. Улар халқимиз жанговар ва меҳнат шон-шуҳратининг муносиб ворисларидир. Аммо кескин халқаро вазият ҳарбий ватанпарварлик тарбиясига эътиборни кучайтириш зарурлигини тақозо этмоқда. Бу иш мактабларга ва педагогика олий ўқув юртларига кўпроқ йигитларни, армия сафидан қайтган жангчиларни, ёш ишчиларни жалб этишни талаб қилади.

Н. В. Попова ижодкор ходимларга халқ жасоратини ёрқин бадиий асарларда тараннум этиб, қаҳрамонлик мавзуини чуқурроқ ёритиш истагини ҳам билдирди.

Суворов номидаги партизанлар бригадасининг собиқ комиссари, ҳозир эса Украина ССР Фанлар академияси тарих институти бўлимининг мудири, Совет Иттифоқи Қаҳрамони профессор **В. И. Клоковга** сўз берилади. У ўз сўзини ёшларда синфий онгни тарбиялаш, уларни совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм руҳида, бурчга садоқат, Ватанга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш масалаларига бағишлади.

Партиянинг интизомни мустаҳкамлаш, меҳнатга қараб тақсимлашдан иборат социалистик принципга риоя этиш соҳасидаги ишини кишилар қизғин маъқуллаб кутиб олмоқдалар, деди у. Киев ишчилари, студентлари, илмий ходимлари апрель Пленумининг қарорлари уларнинг ҳар бирига янги куч бахш этганлигини, тўла қувват билан ишлаш, жамики ишларимизда қатъий тартиб ўрнатиш иштиёқини уйғотаётганлигини КПСС Марказий Комитетига билдиришимни илтимос қилдилар.

Волгоград трактор заводининг собиқ директори, шахсий пенсионер, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **В. А. Семёнов** ғоявий матонат ва социализм идеалларига садоқат бугунги кунда ҳам мамлакатимизнинг социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш учун курашда ҳаракатга келтирувчи асосий куч эканлигини таъкидлаб ўтди. Партия йиғилишлари ва ишчиларнинг йиғилишларида партиянинг ҳар бир иш жойида энг юқори меҳнат унумдорлигига эришиш борасида ўртага қўйган вазифасини амалда рўёбга чиқариш тўғрисида жиддий гаплашиб олинмоқда. Заводда тўрт ой ичида меҳнат унумдорлиги 8 процент ошганлигига қарамай, деб давом қилди у, ишчилар Марказий Комитетнинг апрель Пленумидан кейин яна ҳам жадалроқ, сифатлироқ ишлаш мумкин ва лозим деб ҳисобламоқдалар.

У завод коллективи КПСС XXVII съезди очиладиган кунгача янги моделдаги қудратли тракторларнинг дастлабки саноат туркумини ишлаб чиқаришга сўз берганлигини айтди. Автомат линиялар етишмаётганлиги янги машинани ўзлаштиришни кечиктираётган бирдан-бир тўсиқдир. Буни станоксозлик саноати министри эшитишини истардик.

Авиация маршали, уч марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони **А. И. Покришкин** унинг авлоди Улуғ Октябрь революциясини кўрганлигини айтди. Биз йигитлик чоғимизда заводлар, фабрикалар қурилишида қатнашдик, зарур бўлиб қолганда эса хизмат қилиш учун армияга жўнаб кетдик, ҳарбий ишни ўзлаштирдик. Ўша қаҳрамонона ва оғир пайтларда биз Ғалабамизга ишонган эдик. Бизнинг шиоримиз битта эди: «Душман тор-мор этилади, биз ғалаба қозонамиз!».

Армиямизни душман уяси узра Ғалаба байроғи ўрнатилиши учун барча зарур нарсалар билан таъминлай олган ишчилар синфига, инженерлар, олимларга зўр миннатдорчилик изҳор этгинг келади. Бу ҳеч қачон унутилмайди!

Биз, уруш ветеранлари, партиямиз билан совет давлатининг тинчликсевар сиёсатини қатъиян қўллаб-қувватламоқдамиз. Агрессорга қақшатқич зарба бермоқ учун Совет Қуролли Кучлари ҳамиша энг яхши қурол билан таъминланишига ишончимиз комил. Нотиқ ветеранлар ёшларни социалистик Ватанни ҳимоя қилишдан иборат бурчни шараф билан адо этишга тайёр бўлиб туриш руҳида тарбиялаш учун бутун кучини сарфлайдилар, деди. Партия бизга ҳамиша умид боғлай олиши мумкин.

Революция, уруш ва меҳнат ветеранлари билан маслаҳатлашиб туриш Коммунистик партиянинг, Марказий Комитетимизнинг яхши анъанаси бўлиб қолди, деди ўз нутқида Владивосток шаҳар партия комитетининг аъзоси, Шуҳрат орденининг тўла нишондори, истеъфодаги катта лейтенант **Д. Н. Бондаренко**. Мана бугун ҳам, Буюк Ғалаба юбилейи арафасида партия раҳбарлари ҳозир мамлакат ҳал этаётган муҳим масалалар хусусида биз билан ленинчасига ошкора маслаҳатлашмоқдалар.

Аввало, партиямиз ва бутун совет халқи ҳар куни тинчлик учун курашиб келаётганликлари туфайли биз қирқ йилдан буён тинчликда яшамоқдамиз, деб давом қилди у. Шу курашнинг натижалари кўп жиҳатдан ҳар бир кишининг шахсий ҳиссаси билан белгиланади. Ҳар куни иш тиришқоқлик билан, сифатли, виждонан бажарилган тақдирда бундай кичик синов дақиқаларида қаҳрамонлик кўрсатиши турган гап. Мен ишлаётган Узоқ Шарқ заводида «Меҳнатда дангаса—жангда қўрқоқ билан баробар» деган уруш йилларидаги шиорни яна ўртага ташлаган бригадалар беш йиллик топшириқларини бажаришга энг кўп ҳисса қўшдилар. Ишга бундай муносабат биз, фронтчиларга, маъқул бўлмоқда.

Приморье—чегарага яқин ўлка. Бу ерда совет кишисининг меҳнати билан мамлакатимиз Узоқ Шарқ чегаралари иқтисодий ва мудофаа қудрати яратилмоқда. Ўлка аҳолисининг кўпчилиги ёшлардир. Учрашувга ҳозирлик кўра туриб, мен урушдан кейинги авлодни биз қандай тарбиялаётганимиз тўғрисида кўп фикр юритдим. Ветеран сифатида, собиқ солдат сифатида армия ва флот жангчилари билан тез-тез учрашиб тураман, уларнинг кўпчилиги анъаналаримизнинг муносиб давомчилари эканликларини кўраяпман. Шу билан бирга баъзи ёшлар айниқса жисмоний жиҳатдан етарлича тайёргарлик кўрмаган ҳолда келмоқдалар. Спорт жамиятларида эса кўпинча оммавий физкультурага эмас, балки айрим истиқболли спортчиларга асосий эътибор берилмоқда. Бу нотўғри деб ҳисоблайман.

Марказий Комитет апрель Пленумининг қарорлари, айниқса унинг тарбиявий ишни турмуш билан маҳкамроқ боғлаш, сафсатабозликка қарши курашиш, одамлар билан ҳақиқат тилида гаплашиш тўғрисидаги талаби мени ниҳоятда тўлқинлантириб юборди. Биз, ветеранлар, бундай йўлни тўғри деб ҳисоблаймиз ва уни батамом қўллаб-қувватлаймиз. Ҳисобот-сайлов кампанияси давомида бошланғич партия ташкилотларида коллективлар ҳаётининг етилган масалалари, ишга халақит бераётган ҳамма нарсаларни бартараф этиш йўллари большевикларга хос принципиаллик билан муҳокама қилинишига аминман.

Ҳарбий-Денгиз Флоти уруш ветеранлари Ленинград бирлашган кенгашининг раиси, истеъфодаги контр-адмирал **Л. Е. Копнов** Балтика денгизчилари 900 кунлик қамал машаққатларига барча ленинградликлар билан бирга сабот-матонат билан бардош берганликларини ва совет халқининг узил-кесил Ғалабасини яқинлаштириш учун Ленинград партия ташкилоти раҳбарлигида ҳамма ишни қилганликларини қайд этиб ўтди. Ўша воқеаларнинг қатнашчилари учун улар тўғрисидаги хотира тарихгина эмас, шу билан бирга ёш авлодни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш соҳасидаги ишнинг жанговар воситаси ҳамдир. Ленинград теварагидаги ўша қамал ҳалқаси бўйлаб барпо этилган шон-шуҳрат яшил «белбоғи» ўзига хос музей бўлиб қолди, бу музей ёшларнинг қалби ва ақлига зўр ҳаяжонли таъсир ўтказмоқда.

Ғалабанинг 40 йиллигига тайёргарлик кўриш давомида ҳарбий-ватанпарвалик иши бирмунча юқори даражага кўтарилди. Ватанпарварлик пропагандасининг ана шу юксалиши юбилей тантаналаридан кейин ҳам сақланиб қолинишини истардик. Бошқа областлар ва республикалардаги ветеранлар кенгашларининг ишида кўпгина қизиқарли тажриба тўпланган бўлса керак. Ана шу тажрибани умумлаштириш ва оммалаштириш фойдали бўлур эди.

Ветеранларнинг шахсий намунаси ёш авлодни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим роль ўйнайди, деб давом қилди нотиқ. Ҳаётимдаги ишни ўғлим— Қизил Байроқ орденли Шимолий флотда сув ости кемасининг офицери Борис давом эттираётганлиги, неварам Алёша нахимовчилар билим юртига киришга ҳозирлик кўраётганлиги мен, денгизчи учун қувончлидир. Бундай «оилавийлик» социалистик Ватанимизни ҳимоя этишдан иборат улуғ ишга яхши хизмат қилади, деб ўйлайман.

Бизнинг ҳимоя қилса арзийдиган нарсаларимиз бор. Совет кишиларининг турмуши тобора яхши ва бадавлат бўлиб бормоқда. Ленинградликлар ҳам советлар мамлакатининг шонли ишларига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Улар ҳозир ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли адо этмоқдалар, шаҳар меҳнаткашлари Ғалаба байрамини ҳам зарбдор меҳнат билан нишонламоқдалар.

Гомелдаги «Электроаппаратура» заводининг катта инженери, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, истеъфодаги полковник **Г. К. Денисенко** ўз нутқида қуйидагиларни айтди: мен тарихий ғалаба парадида иштирок этишдек зўр бахтга муяссар бўлганман. Улуғ Ватан уруши йилларида Коммунистлар партиясининг аъзоси бўлганлигим билан фахрланаман. Партия бизга куч ва ғайрат бахш этди, курашга илҳомлантирди.

Фашизм совет диёримизда қонли из қолдирди. Белоруссиянинг ўзидагина ҳар тўрт аҳолидан бири ҳалок бўлди. Шаҳарлар вайрон қилинди, тўққиз минг қишлоқ, шу жумладан 628 қишлоқ одамлари билан бирга ёндириб юборилди. Халқимиз тиклаш ишларида буюк меҳнат жасорати кўрсатди. Белоруссия мамлакатимиздаги барча халқларнинг қардошларча ёрдами билан ҳақиқатан ҳам вайроналар ва култепалардан қайта тикланди.

Сўнгра нотиқ кейинги вақтларда оммавий ахборот воситалари, адабиёт, санъат ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш учун кўп иш қилаётганликлари тўғрисида гапирди. Аммо телевидение ва радионинг кишиларни ҳаётнинг актуал проблемаларидан майда-чуйда кечинмалар ва мешчанлик дунёсига бошлаётган баъзи кўрсатув ва эшиттиришлари, айрим кинофильмлар бизни қаноатлантира олмайди.

Ёш авлодни тенгдошлари — бугунги кунда ўзларининг интернационал бурчини шараф билан адо этаётган жангчиларимиз қаҳрамонлиги намуналари асосида ҳам тарбиялаш керак.

Сўнгра Латвия ССР Фанлар академияси президиумининг бош илмий секретари, Латвия Компартияси Марказий Комитети аъзолигига кандидат, партизанлар бригадасининг собиқ командири, Совет Иттифоқи Қаҳрамони **В. П. Самсонсга** сўз берилади.

— Совет Латвияси душман армияларининг зарбаларига биринчилардан бўлиб дуч келган эди,— дейди у. —Бизнинг Ғалаба сари йўлимиз узоқ ва машаққатли бўлди. Аммо биз Ғалаба қозондик. Социалистик Ватанимизга меҳр-муҳаббатдан, совет халқларининг ленинча муқаддас дўстлигидан куч-қувват ва матонат олиб турганлигимиз учун ғалаба қозондик.

Бугун биз Москвада жанговар ўртоқларимиз — Советлар мамлакати барча халқларининг намояндалари билан шодиёна учрашмоқдамиз. Биз, уруш ветеранлари билан бирга Буюк Ғалабани фарзандларимиз, невараларимиз ҳам байрам қилмоқдалар. Совет мамлакати халқларининг қардошларча дўстлигини, партия билан халқнинг метиндек бирлигини янада мустаҳкамлаш идеологик, сиёсий-тарбиявий ишнинг ғоят муҳим вазифаси бўлиб қолаётганлигини биламиз.

Барча турдаги милитаристлар билан реваншчилар инсониятни яна кулфатларга дучор этиш хавфини солмоқдалар. Аммо уларнинг манфур кирдикорлари муқаррар барбод бўлади. Биз, ветеранлар, бугунги кунда ҳам ўзимизни партия томонидан сафарбар этилган деб ҳисоблаймиз, бундан буён ҳам тинчлик ва социал-тараққиёт учун, меҳнат аҳлининг бахт-саодати учун курашнинг актив қатнашчилари бўлишни истаймиз.

Кекса-ю ёш, барча совет кишилари тарихий Ғалаба билан ҳақли равишда фахрланмоқдалар, деди Уральск шаҳридан келган Шуҳрат орденлари тўла нишондори **А. Г. Балашов**.

Ветеран Улуғ Ватан урушига бағишланган мақолалар, китоблар, кўрсатувлар ва эшиттиришлар тўғрисида гапирди. Халқ жасорати тўғрисидаги буюк ҳақиқатни ҳозирги ёшларимизга, келгуси авлодларга аниқроқ, ҳаққонийроқ, ёрқинроқ кўрсатиб бериш учун ҳали кўп иш қилиш керак бўлади. Бунда ҳақиқатдан заррача ҳам чекинишга йўл қўйиб бўлмайди. Халқимиз ғоят катта қурбонлар эвазига эришган Буюк Ғалаба ўзининг бутун қаҳрамонона ва аччиқ ҳақиқати билан, партия ва халқ, фронт ва мамлакат ичкариси, барча қардош совет халқлари бузилмас бирлигининг қонуниятли, тарихий натижаси сифатида акс эттирилиши лозим.

— Мен танкчи бўлиб, босқинчиларга қарши кўпгина шиддатли жангларда иштирок этишимга, фронтнинг машаққатли йўллари бўйлаб неча минглаб километр масофани босиб ўтишимга тўғри келган эди, — деди танк батальонининг собиқ командири, эндиликда Арманистон ССРнинг ҳарбий комиссари, Совет Иттифоқи Қаҳрамони генерал-майор **А. В. Казарьян**. — Беш марта ярадор бўлдим, ёнаётган танк ичида қолдим. 1941 йил 22 июнь куни чегарада бўлган биринчи жангнинг аччиқ тутунини унутмайман.

Бироқ менинг асосий хотирам фронтдаги қардошлигимиз, СССР халқларининг бузилмас дўстлиги тўғрисидадир. Социалистик давлатимиздаги барча халқлар улуғ рус халқи билан елкама-елка туриб, совет Ватанини ҳимоя қилишга отландилар. Совет кишиларининг метиндек бирлигини бўшаштиришга муваффақ бўламиз, деган умид фашист стратегларининг режаларида муҳим ўрин олган эди. Аммо фашизм қаттиқ янглишди. Ишимизнинг ҳаққонийлигига, жонажон Коммунистик партияга ишонч, барча миллатларга мансуб совет кишиларининг мислсиз мардлиги фашизм йўлидаги енгилмас ғов бўлди. Фронтда тутинган оғам капитан Фоминнинг порлоқ хотирасини бутун умрим бўйи қалбимда сақлаб келмоқдаман. У экипажимизни қутқариб қолиш учун ўз жонини фидо қилди.

Буюк Ғалаба тўғрисидаги хотира, жанговар анъаналарга содиқлик кекса авлодлар учун ҳам, ёшлар учун ҳам ижодий активликни, шижоатни, мислсиз меҳнат ғайратини уйғотувчи конкрет тушунчалардир. Бу тушунчалар XXVII съездни кутиб олаётган халқимизнинг, Коммунистик партиянинг юксак ҳис-туйғуларига батамом мос бўлиб тушади.

АҚШ реакцион кучлари бошчилигидаги империализмнинг кирдикорларига биз тинчлик ва тараққиёт кучларига бўлган ишончни қатъиян қарши қўймоқдамиз, деб давом қилди нотиқ. Яқинда мен Арманистон ССРдаги унча катта бўлмаган тоғли қишлоқда бўлдим. Унинг аҳолисидан 300 киши фронтга жўнаб кетган, 56 киши қайтиб келмаган. Учрашувдан кейин бир нуроний она менинг ёнимга келиб бундай деди: менинг уч ўғлим Улуғ Ватан урушида қатнашди. Учаласи ҳам жангларда ҳалок бўлди. Жаҳолат ва ёвузлик кучлари инсониятга яна хавф солаётган бугунги кунда мен ўзимнинг тўртинчи, ёлғиз ўғлимнинг тақдирини Ватанга топширишга тайёрман, Ер юзида тинчлик бўлиб, мамлакатимиз гуллаб-яшнаса ва мустаҳкамланса кифоя. Совет кишилари мана шуларни ўйламоқдалар. Бу эса жамиятимизнинг ғоят катта енгилмас куч-қудрати, муваффақиятларимизнинг гаровидир.

Пировардида **М. С. Горбачев** нутқ сўзлади. У КПСС Марказий Комитети секретарлари номидан мазкур учрашувдан чуқур мамнуният изҳор этди.

Партия Марказий Комитети, деди Михаил Сергеевич, сизларга самимий миннатдорчилик сўзларини изҳор этиш, буюк байрам билан қутлаш, уруш қатнашчилари билан мамлакат ичкарисидаги меҳнаткашларни нималар тўлқинлантираётганлиги ҳамда уларнинг юмушлари тўғрисида гаплашиб, баъзи масалалар юзасидан маслаҳатлашиб олиш учун сизларни—уруш ва меҳнат ветеранларини таклиф этишга қарор қилди. Бу ерда бўлиб ўтган сермазмун ва жуда муҳим суҳбат бизнинг қаҳрамонона ўтмишимизга ҳам, бугунги кундаги ишларимизга ҳам тааллуқли бўлди. Бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас эди, чунки Ғалаба — тарихгина эмас, шу билан бирга ҳозирги кун ҳамдир. Биз эга бўлган нарсаларнинг ҳаммаси икки санадан бошланади. Биринчиси Октябрь революциясидан, иккинчиси эса Ғалаба кунидан кейин бошланган.

Уруш аллақачон тарих бўлиб қолган бир пайтда ўша йиллардаги воқеаларга яна ва яна қайтишнинг ҳамда ўша воқеалар билан боғлиқ нарсаларни эсга олишнинг ҳожати бормикан деб айтишлари мумкин. Албатта ҳожати бор. Ҳатто бу нарса биз учун ҳам, бутун инсоният учун ҳам ниҳоятда зарурдир.

Дарҳақиқат, урушнинг ўзи ўтмишда қолди. Аммо партия раҳбарлигида тарихий Ғалабага эришган армиямиз жангчиларининг, партизанларнинг, мамлакат ичкарисидаги меҳнаткашларнинг ўлмас ватанпарварлик ва интернационал жасорати ҳеч қачон унутилмайди.

Ҳозир, орадан ўн йиллар ўтгандан кейин биз уруш сабабларини, ғалабамизнинг маънавий-сиёсий манбаларини янгидан идрок этмоқдамиз, ҳозирги ва келгуси авлодлар ҳаётида қандай қилиб урушга йўл қўймаслик тўғрисида ўтмиш воқеаларидан жиддий хулосалар чиқармоқдамиз, деса бўлади. Урушнинг тақдири биринчи навбатда жанг майдонларида қурол кучи билан ҳал қилинганлиги шубҳасиз, аммо энг муҳими ана шу қурол кимларнинг қўлида бўлганлигида эди. Пировард натижада совет кишиларининг социалистик Ватанга, Ленин байроғига содиқлиги, халқларнинг қардошларча дўстлиги ғалаба қозонди. Бу ерда ўртоқлар тўғри айтишганидек, биз бугунги кунда ҳам ана шу дўстлар билан кучлимиз.

Ветеранлар яна бир буюк жасорат кўрсатиб, юксак ватанпарварлик руҳини — чинакам совет характерини яна намоён этдилар: улар мамлакатни харобалардан тикладилар, социалистик давлатимиз қудратлироқ ва кўркамроқ бўлиб қолиши учун ҳамма ишни қилдилар. Ҳолбуки, биз уруш етказган даҳшатли жароҳатларни неча ўн йиллар мобайнида даволашимизни башорат қилишган эди.

Менинг авлодимга мансуб кишилар учун тинч меҳнатни қўмсаган фронтчилар уйларига қайтаётган ўша кунлар унутилмасдир. Улар ўзлари учун бирон-бир имтиёзни талаб қилишмади, мамлакатга қаерда жуда зарур бўлишса ўша ерда ишлашди. Қолаверса «фронтчи» сўзининг ўзини халқ алоҳида ҳурмат ва миннатдорчилик билан тилга олар эди ва ҳамон шундай тилга олиб келмоқда. Фронтчилар, ветеранлар — ҳамиша сафда, ҳамиша олдинги маррада бормоқдалар. Айтилган ҳамма сўзлар ўша машаққатли, аммо шонли уруш йилларидаги мамлакат ичкарисидаги меҳнатчиларга, меҳнат ветеранларига ҳам ҳақли равишда тааллуқлидир.

Азиз ветеран ўртоқлар, партия бугунги кунда ҳам сизларга, сизларнинг билимингиз, тажрибангизга, меҳнат коллективларидаги юксак обрў-эътиборингизга, сизлар Улуғ Ватан уруши фронтларидаги жангларда қаттиқ туриб ҳимоя қилган социализмнинг улуғ ишига содиқ эканлигингизга қаттиқ умид боғламоқда.

Бизнинг жамиятимиз ҳаётнинг барча соҳаларида сифат силжишлари бўсағасида турибди, деб давом қилди М. С. Горбачев. Янги беш йилликда халқ хўжалигини интенсив ривожланиш изига ўтказиш юзасидан катта тадбирларни амалга ошириш керак. Саноатнинг техника базаси кенг кўламларда янгиланади, энг илғор технологиялар ўзлаштирилади, янги самарали хўжалик механизми пишиқтирилиб, ҳамма жойда татбиқ этилади. Мана шуларнинг ҳаммаси меҳнат унумдорлигини оширишда тез олға силжишимизни таъминлаши, мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириши лозим, КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленуми айни мана шу вазифаларни олға сурди. Ҳаммангиз яхши биласизларки, апрель Пленумида КПССнинг навбатдаги XXVII съездини чақириш ҳамда партия билан халқ ҳаётидаги ана шу катта воқеага тайёргарликни авж олдириб юбориш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Мамлакатимиз социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш учун экономика, маданият соҳасида социал программани амалга оширишда янги чўққиларни муваффақиятли равишда забт этиш учун ҳозир Марказий Комитет, Совет ҳукуматининг ташаббуси билан қилинаётган ҳамма ишларни сизлар астойдил қўллаб-қувватлаётганликларингизни бугун эшитиш ҳаммамизга жуда ёқимли бўлди.

Пленум қарорларини турмушга қатъиян татбиқ этиш учун партия ташкилотлари, ҳар бир коммунист ва аввало коммунист раҳбар зиммасига нақадар катта масъулият юкланиши равшан.

Совет кишиларининг барча авлодларини ва аввало мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёшларни ғоявий-маънавий жиҳатдан чиниқтириш тўғрисида биз доимо ғамхўрлик қилмоқдамиз. Бу соҳада ҳеч ким сизларчалик кўп иш қила олмайди. Ветеранларнинг бебаҳо тажрибасини, уларнинг шонли анъаналарини совет кишиларининг янги авлодларига етказиш керак. Сиёсий жиҳатдан том маънода гапирадиган бўлсак, бугунги кунда уруш ва меҳнат ветеранларининг асосий гражданлик бурчи мана шундан иборатдир, ўртоқлар.

Ҳозирги вазиятда совет кишиларини ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш аҳамияти ортиб бормоқда, Ғалабанинг 40 йиллигига тайёргарлик кўриш давомида кўпгина яхши ишлар қилинди. Юбилей байрамидан кейин ҳам бу ишни сусайтирмаслик керак. Барча ветеранларнинг нутқларида шу фикр билдирилганлиги кишини жуда қувонтиради. Ҳар бир киши мамлакат, унинг мудофааси, иқтисодий қудрати тўғрисидаги ғамхўрликни яқин йиллар ичидаёқ ўз зиммасига олиб, кекса авлодларнинг эстафетасини давом эттирадиган ёш авлодни тарбиялашда партияга, халққа ёрдам беришни ўз бурчи деб билмоқда.

Биз ўтган уруш сабоқлари унутилишини истамасдик, деб давом қилди М. С. Горбачев, сиёсатда унутувчанлик ниҳоятда хатарлидир. Дунёда биринчи ишчи ва деҳқонлар давлатини енгишга ҳеч кимнинг қурби етмаслиги ана шу сабоқларнинг энг муҳимидир. Бу нарса 1945 йилнинг майида исботланган эди. Бу нарса ҳозир айниқса тўғридир.

Аммо биз Ғарбдаги баъзи нуфузли кучлар ҳарбий устунликка эришишга умид боғлаётганликларини ҳисобга олмаслигимиз мумкин эмас. Бундай режалар қанчалик хомхаёл бўлмасин, бу билан уларнинг мудҳишлиги камаймайди. Бундай йўл дунёни ядро ҳалокати ёқасига олиб бормоқда. Лекин биз урушни азалдан муқаррар деб ҳисобламаймиз, сабот билан тинчликсевар сиёсатни ўтказиб келмоқдамиз. Биз Ғарб билан амалий мулоқот қилиш ва халқаро вазиятни соғломлаштириш учун бундан буён ҳам ҳар қандай имкониятдан фойдаланаверамиз. Сизларни ишонтириб айтмоқчиманки, КПСС Марказий Комитети, Совет ҳукумати давлатимизнинг хавфсизлигидан оз бўлса-да воз кечмайдилар, совет кишиларининг тинч турмушини ҳеч ким бузмаслиги учун ҳамма ишни қилаверадилар.

Пойтахтнинг Пролетар районидаги меҳнаткашлар билан ажойиб учрашув ёдимга келмоқда. Москваликлар билан универсам олдидаги кўчада бўлиб ўтган мароқли ва ошкора суҳбат охирида мен: КПСС Марказий Комитетига, Совет ҳукуматига нималарни тилар эдингиз, қандай наказ берасиз? — деб сўрадим. Мен бунга жавобан қуйидаги сўзларни эшитдим:

— Михаил Сергеевич, мамлакатда тартиб ўрнатиш ва тинчлик учун курашни давом эттириш керак.

Биз ҳам худди шундай иш кўраверамиз. Ветеранлардан бизни бу ишда қўллаб-қувватлашларини сўраймиз. Биз уларнинг актив қўллаб-қувватлашларини илгари ҳам сезар эдик, бугунги кунда ҳам сезиб турибмиз.

Партия, давлат ветеранларнинг шонли ишларини ҳамиша ёдда тутаётганликларини, бундан буён ҳам ёдда тутишларини яна бир-бор айтиб ўтмоқчиман. Юбилей муносабати билан ветеранларни орден ва медаллар билан мукофотлаш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг яқинда қабул қилинган фармони — уларнинг хизматларига нисбатан билдирилаётган ҳурмат-эҳтиром ифодасидир. Ветеранларнинг сиҳат-саломатлиги, уларнинг турмуши, уй-жойи билан боғлиқ эҳтиёжларни қондириш тўғрисида ҳам доимо ғамхўрлик қилинмоқда. Кейинги вақтларда уруш қаҳрамонларининг хотирасини абадийлаштириш тўғрисидаги, уруш қатнашчилари ҳамда ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари учун қўшимча имтиёз ва афзалликлар бериш ҳақидаги, шунингдек бошқа бир қанча қарорлар қабул қилинди. Умуман партия сизларнинг турмушингиз қувончли, самарали, бахтиёр бўлиши, хуллас сизларнинг хизматларингизга муносиб барча зарур ишларни қилмоқда.

М. С. Горбачев ўз нутқини тугаллай туриб айтдики, шу учрашувда билдирилган фикр-мулоҳазалар ва истаклар совет раҳбарлигининг барча аъзоларига албатта етказилади, уларни амалга ошириш учун партия Марказий Комитетида, ҳукуматда ва бошқа органларда ўрганиб чиқилади. У ветеранларга сиҳат-саломатлик ва социалистик Ватан манфаатлари йўлида муваффақиятли ишлашларини тилади.

Учрашув қатнашчилари партиянинг барча ишларида унга актив ёрдам берамиз, КПСС XXVII съездини янги зафарлар билан кутиб оламиз, деб Марказий Комитетни ишонтирдилар.

(ТАСС).



Сўнмас у кунлар шуҳрати

Муҳаббатнинг қувончлари

ЖУРНАЛИСТ ЁН ДАФТАРИДАН

—7—

«Биз ғолиб чиқдик, Азизим, ғолиб! Сталинградга бостириб келаётган минг-минглаб фашист шаҳар остонасида куни битиб, ер тишлаб ётибди. 330 мингтаси қуршовда роса адабини еб, таслим бўляпти, манман деган генераллари билан. Қани энди бу ердаги шодиёналарни ўз кўзинг билан кўрсанг! Гитлернинг ишончли лашкарбошиси Паулюс ҳам бошини ҳам қилиб ўтди шундоқ олдимиздан. Ҳар сафарги хатингда ўзингизни эҳтиёт қилинг, дейсан. Тўғри, беҳудага каллани душман ўқига тутиб берадиган тентак йўқ. Аммо, гапнинг пўсткаласи, азизим шуки, бу ерларда ўзини эҳтиёт қилиб, панада писиб юрадиган нусха йўқ. Учинчи марта госпиталга тушдим. Хайриятки, енгил кўчяпти дардим. Бу жаллод босқинчиларнинг беҳисоб ваҳшийликларини кўравериб, бутун вужудимиз ғазабга тўлган, Ўзимизни ўтга ҳам, сувга ҳам тик ташлайдиган бўлиб қолдик. Буёғини бахтимиздан кўрдим деявер...»

Муҳаббат опа олган иккинчи хат тўрт бурчакли конвертда. Одатда бунақа хатлар нохуш хабар келтириб, кўплаб оилаларни зор-зор йиғлатарди.

— Хатни олдим-у ҳушим учди, —гап қотди Муҳаббат опа,— хат командирлардан экани конвертдаги ёзувдан кўриниб турарди. «Меним ҳам шўрим қуриди, энди» дедим ичимда. Конвертни очишга юрак қани! Гоҳ, деворда осиғлиқ эрим суратига қарайман, гоҳ хатга. Югуриб келган Аълохонни бағримга босдим. Ҳангмангман. У хатни олди-да «Дадамдан кепти, очинг ойижон» дегани қулоғимга чалинди. Шошиб «Ҳа, қўзичоғим, дадангдан келибти, қани ўзинг очақол, ўзинг». дедим. У югуриб бориб қайчини келтирди. «Мана, ойижон, ўзингиз очинг». Қалтироқ қўлларим билан конвертнинг четини базўр қирқиб ташладим, лекин ҳамон хатни чиқариб олишга юрагим дов бермасди. «Кечаги хатида қаттиқ жанглардамиз деган эди-я, наҳотки!» Аълохон сабри тугаб хатни конвертдан чиқариб олганини «суратини юбормапти-ку, ойи» деганидан билдим ва кўз ёшини ташладим. Анаву хунук хатларни кўрганман, бироқ бу уларга ўхшамасди. Дарров олиб ўқидим:

«Тошкент, Луначарский кўчаси, 1-тупик. Муҳаббат Муҳитдиновага.

Сизнинг эрингиз гвардиячи кичик лейтенант Махсум Матмусаевич Хўжаев Сталинград жангларида баҳодирлик, Ватанга садоқат намуналарини кўрсатди ва қўмондонлик томонидан «Жасурлиги учун» медали билан мукофотланди. Эрингиз давлат мукофоти билан тақдирланганн муносабати билан сизни табриклаймиз ва сизга, бутун оилангизга бахт-саодат тилаймиз.

4/XI. 1943. Қисм командири А. ШИШКИН».

***

Бу хат бир зумда Муҳаббатхонни бояги шубҳа-ваҳималардан, турли қайғули хаёллардан қутқариб, қалбига шодлик ва ғурур бахш этган эди...

Фронтда генерал Чуйков армияси душман қўшинларини қувиб боряпти. Ҳар қишлоқ, ҳар шаҳар учун, сой-қир учун, дарё-канал учун олиб борилаётган жангда душман тиш-тирноғи билан қаршилик кўрсатарди. Махсум Хўжаевнинг пулемётчилар взводи Харьков вокзалини маҳкам қўрғонга айлантириб олган ва қисмларимизнинг темир йўлга чиқишига халақит бераётган фашистлар тўдасини қақшатқич ўққа ту-

—10—

тиб таслим бўлишга мажбур этди ва ғарбга олиб қочаётган бир состав поезднинг йўлини тўсди, ундаги соқчиларни қирғинга солди. Вагонлар гитлерчилар талаб олиб кетаётган турли қимматбаҳо буюмларга тўла экан. Хўжаевнинг азамат пулемётчилари Калиновка посёлкаси ёнида Днепрдан ўтиб, душманни позициясидан қувиб чиқарди ва полк дарёдан бутунлай ўтиб олгунга қадар плацдармни қўлдан бермади, душманнинг бир неча қарши атакасини даф қилди. Днестр дарёсидан ўтишда худди шундай қилишди.

Ўшандан бир неча кун ўтгач, Муҳаббатхон яна тўрт бурчаклик конвертда хат олди. Бу гал ҳам қисм командири илгаригисидаги қутловларни такрорлаган эди. Бунисининг фарқи «Оғир жангларда эрингиз қаҳрамонлик кўрсатгани

—11—

учун қўмондонлик уни II даражали Ватан уруши ордени билан тақдирлади» дейилганди.

Махсум ака тафсилотни ҳикоя қилди.

—Бу орденни Одессани озод қилишда олган эдим. У ердаги жанглар ҳаммасидан ҳам ўтиб кетди. Фашистлар ўлар-тириларига қарамай шаҳар остоналарига ёпишиб олган экан, денг, ҳар бир кўча учун ҳафталаб жанг қилдик. Ҳар бир кўча, муюлишни, ҳар бир уй ва болахонани, ертўлани қўрғон қилиб олиб, қаршилик кўрсатаверди. Катта кўчада жанг қилиб бориб, фашистларнинг ваҳшийлигидан гувоҳ берадиган яна бир хунук манзарага дуч келдик. Машҳур опера театри, улкан санъат кошонаси отхонага айлантирилган эди. Ахир бу бутун жаҳонга машҳур театрларимиздан-ку. Бу бизни ғазаблантирди. Менинг взводимга шаҳар водопровод станциясида бекиниб олган гитлерчилар тўдасини қувиб чиқариш вазифаси юкланди. Қўшинларимиз яқинлашганда гитлерчилар қўмондони «станция эгаллаб олинсин, насослар тўхтатилсин, мабодо шаҳар қўлдан кетгудек бўлса, портлатилсин» деб буйруқ берган экан. Биз жуда тезлик билан ҳаракат қилишимиз керак эди. Очиғини айтсам у ерда бўлган шиддатли қирғин жангни, пулемётчи ва автоматчиларнинг бекиёс довюраклиги, чаққонлиги, моҳирлигини тасаввур этиш қийин. Станция тепаликда, биз пастда. Қандай қилиб чиқсак экан деб ўйлашга вақт йўқ. Ерга

—12—

қапишиб олиб борганда ҳам бир неча йигитни нобуд қилди аблаҳлар. Орқадан бораётиб, шундоқ пулеметига рўбарў келиб қолибмиз. Қоронғи тушган эди-да. Яковлев ҳушёрлик қилиб граната ирғитди. Душман солдатлари икки томондан ўққа тутганда иккимиз фашист пулеметини ўзлари томонга буриб, қирғинга сола бошлаган эдик. Ҳар қалай тонг ёришганда босиб кириб, станцияни эгалладик. Ўқ емаган киши қолмади деярли. Ўзим ҳам. Бу тўртинчи марта ярадор бўлишим эди.

Муҳаббат қисм командирининг яна бир табрикномасини кўрсатди. Унда Махсум Хўжаев яна II даражали Ватан уруши ордени билан мукофотланганн айтилган.

— Бунисини Донбассдан сал нарида «Тақир чўл» («Голая долина»)даги жанг учун олганман. У ерда немислар роса бир ой йўлимизни тўсиб туришди. Бир мисол келтирай, бу ўша ердаги ҳолатни тасаввур этишга ёрдам берар. Қанчадан-қанча оғир, мураккаб жангларда бўлиб, бир неча бор ўлим билан бетма-бет келиб, бирорта жангчимизнинг ўлим ҳақида сўз очганини, умидсизликка бориб, нолиганини эшитмаган эдим. Шу ерда ярадор бўлиб хандақда ётганимда бир жангчининг «Қани энди, сизга ўхшаб менга ўқ тегсайди, госпиталга кетиб бу дўзахдан қутилардим» деганини эшитдим. Бу кеча келган ва ҳали ўт-олов ичида тобланмаган жангчининг сўзи эди. Мана шундан «тақир чўлда» жон бериб-жон

—13—

олишлар қай даражада оғир бўлганини билиб олаверинг...»

Чуйков қўшинлари чегарамиздан ўтиб, Польша тупроғига кирганида Махсум Хўжаев яна бир ёрлиқ билан тақдирланди. Унда қўмондонлик Ватанимизни фашист босқинчиларидан батамом озод этиш ва Висла дарёсининг чап қирғоғидаги плацдармни кенгайтиришдаги жасорати учун Хўжаевни қутлаган Олий Бош қўмондонининг Польшадаги Лодзь, Гнезно, Дризен шаҳарларини озод этишда, Варта дарёсидан ўтиш жангларидаги жасорати учун қутловлари ҳам собиқ жангчининг жанговар орден ва медаллари билан бирга сақланади.

Маҳсум Хўжаев Берлингача боришни орзу қилган эди. Бироқ Познанда қарийб бир ой давом этган жанглар пировардида оғир ярадор бўлиб қайтди. Врачлар кўп уриндилар, унинг саломатлигини тиклаб, меҳнатга қайтардилар. Мана 40 йилдирки, у ҳар йили ғалаба байрамини катта қувонч, чексиз фахр-ифтихор билан кутиб олади. Кўп йиллар мобайнида шаҳримиз муассасаларида меҳнат қилиб, обрў-эътибор топди. Муносиб ўғил-қизлар тарбиялади. Бугун собиқ жангчи бутун оиласи билан ўша суронли йилларда халқларимизнинг буюк қардошлиги, улуғвор дўстлиги, Қизил Армиянинг шон-шараф ва шуҳратга чулғанган ўлмас жасорати туфайли қўлга киритилган Буюк Ғалабамизнинг 40 йиллигини кутиб олмоқда.

Тўлқин РУСТАМОВ.

(Охири. Боши газетанинг ўтган сонида).

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» ГАЗЕТАЛАРИ РЕДАКЦИЯСИ ҚОШИДАГИ УРУШ ВА МЕҲНАТ ВЕТЕРАНЛАРИГА ҚЎМАҚЛАШУВЧИ ЖАМОАТЧИЛИК СОВЕТИ.

ВЕТЕРАН

УРУШ ВА МЕҲНАТ ВЕТЕРАНЛАРИГА ҚЎМАҚЛАШУВЧИ ЖАМОАТЧИЛИК СОВЕТИНИНГ РАИСИ — ЎЗБЕКИСТОН ССР СОЦИАЛ ТАЪМИНОТ МИНИСТРИ ХОСИЯТ ЕҚУБОВНА ЕҚУБЖОНОВА.

№ 5 (31)

БОЛЬШЕВИКЛАР КЕКСА ГВАРДИЯСИ



Бу нуроний отахонлар В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалини тез-тез зиёрат қилиб туришади. Улар бу ерда шаҳар партия ветеранларн Советининг аъзоларн сифатида меҳнаткашлар, комсомоллар, ёшлар ўртасида олиб борилаётган идеология ишларига тааллуқлн масалаларнн ҳал қиладилар.

Жаҳон пролетариатининг буюк доҳийси В. И. Ленин музейининг кенг ва салобатли зинапоялариндан бу отахонлар ҳамиша қўлларида гул билан байрамона, ифтихор ва ғурур билан одим ташлаб кўтарилади лар. Улар орасида А. П. Кондратьев, И. С. Секретарев, А. И. Ўразаев, А. Тўхтабоев, Й. Бобожонов, Р. М. Бойжоновлар бор.

Азиз Тўхтабоевич Тўхтабоевнинг кўксида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони юлдузи порлаб турибди. У профессор, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, медицина институтн смёсий иқтисод кафедрасига мудирлик қилмоқда. Рауф Муҳамедович Бойжонов эса республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи, Низомий номидаги педагогика институтининг доценти, Абдулла Иматович Ўразаев — журналист, ёзувчи.

Йўлдош Бобожонов партия ишида чорак аср шаҳар партия ветеранларн ишладн. Ҳозирда эса ўринбосарн. Т. Каримов фотосн.

• Бизнинг интервью

ВЕТЕРАНЛАР ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИК

«Ветеран»нинг СССР Меҳнат ва социал масалалар бўйича Давлат комитети раисининг ўринбосари М. М. Кравченко билан суҳбати.

СССР Меҳнат ва социал масалалар бўйича Давлат комитети раисининг ўринбосари М. М. Кравченко яқинда республикамиз пойтахтида бўлди. Биз ундан мамлакатимизда социал таъминотни ривожлантиришнинг яқин йиллардаги истиқболлари, гражданларнинг пенсия таъминоти хусусида қандай янгиликлар кутилаётгани ҳақида сўзлаб беришни сўрадик.

— Партия ва ҳукуматимиз пенсияда бўлган кишилар ҳақида мунтазам ғамхўрлик кўрсатяпти, — дейди Мария Матвеевна. — КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1981 йил 22 январидаги қарорида бутун ўн биринчи беш йиллик бўйича истиқболи кўзлаб, аҳолининг социал таъминотини янада яхшилаш тадбирлари кўзда тутилган эди. Бу ҳужжатда таъкидланганидек мамлакатимизда катта социал-иқтисодий ўзгаришлар натижасида совет кишиларининг қариганда, касал бўлганда, тўла ёки қисман меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисини йўқотганда моддий таъминланиш ҳуқуқини амалга оширувчи давлат социал таъминот системаси яратилди ва у муттасил такомиллаштирилмоқда. Бу борада анчагина ишлар қилинди. Қарилик, инвалидлик ва боқувчисини йўқотганлик учун пенсияларнинг минимал миқдори оширилди. 1985 йил 1 майдан бошлаб Улуғ Ватан уруши I ва II группа инвалидлари ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларининг пенсиялари миқдори оширилди.

Бу йил колхоз аъзолари пенсияларининг минимал миқдори ҳам оширилиши керак. Пенсияга чиққанига 10 йилдан ошган ишчи ва хизматчилардан саналувчи пенсионерларнинг илгари белгиланган пенсиялари миқдори оширилади. Биринчи навбатда ойига 60 сўмдан кам пенсия олувчиларники оширилади. Бу иш келгуси беш йилликда ҳам давом эттирилади. Натижада илгари белгиланган пенсиялар ҳозирги пайтда шу каби мутахассисларга белгиланаётган пенсия. ларга бирмунча яқинлаштирилади.

— КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Аҳолининг социал таъминотини янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорида партия ва совет органларининг эътибори уруш ва меҳнат ветеранлари, меҳнатга лаёқатсиз гражданларнинг талаб ва эҳтиёжларига ғамхўрликни кучайтиришга қаратилган эди. Ёлғиз қариялар ва нивалидлар хусусида қандай тадбирлар кўзда тутилаётгани ҳақида ҳам гапириб берсангиз?

— Ҳа, бу бугунги кундаги ва истиқболдаги муҳим масаладир. Ҳозирнинг ўзида бу масала ҳал этила бошланди. Чунончи, қариялар ва инвалидлар учун интернат-уйларнинг тармоғини кенгайтириш, уларни ободонлаштириш ва социал-маиший хизмат даражасини ошириш, овқатланиш, дори-дармонлар ва бошқа эҳтиёжлар учун харажатлар нормасини кўпайтириш кўзда тутилган.

Лекин, барча ёлғиз қариялар ҳам интернат-уйларда яшашни хоҳлашвермайди. Улар учун махсус уйлар қурилиши кўзда тутилган. Бундай уйларнинг биринчи қаватларида барча зарур маиший хизмат, савдо, соғлиқни сақлаш хизматлари жойлаштирилади. Зеро, ҳамма нарса яқин атрофда қулай бўлади, чет кишиларнинг ёрдамига зарурат қолмайди.

Бу йўналишда «Қизил Крест ва Қизил Ярим ой» жамиятларининг фаолиятлари активлаштирилади.

— Шаҳримизда фақат ўз кучи, саломатлиги, билимини жамиятга бахш этган кишиларгагина меҳрибонлик кўрсатилмайди. Бизда оналик, фарзандларга — набира ва чевараларга муҳаббат ҳам эъзозланади. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Болали оналарга давлат ёрдамини кучайтириш тадбирлари тўғрисида» 1981 йил 22 январда қабул қилинган Қарорн аҳолининг ўсиши ва ёш авлоднинг тарбияланиши учун қулай шарт-шароитлар яратилишига кўп жиҳатдан ёрдам берди. Лекин ёш авлоднинг онлада, айниқса кўп болали оналарда камол топиши билан боғлиқ айрим масалалар ҳам ҳал этилиши керак бўлади...

— КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети болаларни тарбиялашда оилага ёрдам кўрсатилишини жамиятимизни ривожлантириш социал программасининг муҳим йўналиши ҳисоблаб, болалари бўлган оилаларга давлат ёрдамини кучайтириш бўйича қўшимча тадбирлар амалга оширилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар. Бундан мақсад жамоатчилик ва оилавий тарбиянинг уйғун бўлишини таъминлаш, ишлаётган (айниқса, кўп болали) оналарнинг аҳволини енгиллаштиришдан иборатдир. Болалар учун тайинланадиган нафақаларнинг турлари такомиллаштирилади ва уларнинг миқдори оширилади.

Аёлларнинг меҳнат шароитини яхшилаш, кўп болали оналарнинг уйда ишлашини ташкил этиш ва улар учун иш куни ёки иш ҳафтасини қисқартириш тадбирлари кўриляпти. Шу билан бирга бундай шароитдаги иш даври умумий ва узлуксиз меҳнат стажига, шунингдек ижтимоий сақлаш хизматлари жойлаштирилади. Зеро, ҳамма нарса яқин атрофда қулай бўлади, чет кишиларнинг ёрдамига зарурат қолмайди.

Бу йўналишда «Қизил Крест ва Қизил Ярим ой» жамиятларининг фаолиятларн активлаштирилади.

— Шаҳримизда фақат ўз кучи, саломатлиги, билимини жамиятга бахш этган кишиларгагина меҳрибонлик кўрсатилмайди. Бизда оналик, фарзандларга — набира ва чевараларга муҳаббат ҳам эъзозланади. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Болали оналарга давлат ёрдамини кучайтириш тадбирлари тўғрисида» 1981 йил 22 январда қабул қилинган Қарорн аҳолининг ўсиши ва ёш авлоднинг тарбияланиши учун қулай шарт-шароитлар яратилишига кўп жиҳатдан ёрдам берди. Лекин ёш авлоднинг онлада, айниқса кўп болали оналарда камол топиши билан боғлиқ айрим масалалар ҳам ҳал этилиши керак бўлади...

— КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети болаларни тарбиялашда оилага ёрдам кўрсатилишини жамиятимизни ривожлантириш социал программасининг муҳим йўналиши ҳисоблаб, болалари бўлган оилаларга давлат ёрдамини кучайтириш бўйича қўшимча тадбирлар амалга оширилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар. Бундан мақсад жамоатчилик ва оилавий тарбиянинг уйғун бўлишини таъминлаш, ишлаётган (айниқса, кўп болали) оналарнинг аҳволини енгиллаштиришдан иборатдир. Болалар учун тайинланадиган нафақаларнинг турлари такомиллаштирилади ва уларнинг миқдори оширилади.

Аёлларнинг меҳнат шароитини яхшилаш, кўп болали оналарнинг уйда ишлашини ташкил этиш ва улар учун иш куни ёки иш ҳафтасини қисқартириш тадбирлари кўриляпти. Шу билан бирга бундай шароитдаги иш даври умумий ва узлуксиз меҳнат стажига, шунингдек ижтимоий сақлаш хизматлари жойлаштирилади. Зеро, ҳамма нарса яқин атрофда қулай бўлади, чет кишиларнинг ёрдамига зарурат қолмайди.

Бу йўналишда «Қизил Крест ва Қизил Ярим ой» жамиятларининг фаолиятларн активлаштирилади.





• Ишчи коллективларида

ОЧИҚ ХАТЛАР КУНИ



Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумидан кейин Тошкентдаги саноат корхоналари, муассасалар, ташкилотларда «Очиқ хатлар кунлари» ўтказилляпти. Буларда ишчилар ва хизматчилар, шаҳар партия комитети, район партия комитетлари, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, министрлик. ларнинг раҳбар ходимлари билан учрашишляпти. Бу тадбирлар меҳнатга онд кўпгина масалаларни, шу жумладан мунозарали масалаларнн оператив ҳал қилишга, меҳнаткашларни ҳуқуқий тарбиялашга ёрдам беряпти.

Яқинда тракторсозлар маданият саройида «Очиқ хатлар кунн» бўлиб ўтди. Унда «СССР 50 йиллигни номидаги Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасн меҳнатчилари КПСС XXVI съезди қарорларн асосида Тошкент социал таъминот системасини ривожлантиришнинг аҳволи ва истиқболларн ҳақида соцнал таъминот ходимларининг атрофлича жавобларини олишдн. Очиқ хатлар кунида Ўзбекистон ССР Социал таъминот министри Ҳ. Е. Ёқубжонова, СССР Меҳнат ва соцнал масалалар бўйича давлат комитети раисининг ўринбосари М. М. Кравченко ва бошқалар иштирок этишди ва меҳнаткашларнинг саволларига жавоб беришди.

Кейинги пайтда соцнал таъминот органлари раҳбар ходимларининг иштирокидаги «Очиқ хатлар кунларн» В. П. Чкалов номли авиацня ишлаб чиқариш бирлашмасида, «Технолог», кўн галантерея ва спорт буюмларн ишлаб чиқариш бирлашмаларида, политехника институтида бўлиб ўтди.

МАРОҚЛИ ЎТДИ

Собир Раҳимов районидаги «Октябрь 40 йиллиги» маҳалласининг клуби олдида карнай ва сурнай садолари янграй бошлади. Буни эшитган маҳалла аҳли бирин-кетин бу ерга йиғилдилар. Шунингдек, маҳалла клубига район партия комитети, район Совети ижроия комитети, район ҳарбий комиссариати ходимлари, шунингдек қўшни маҳалла. ларнинг вакиллари ҳам келишди.

Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган учрашувда маҳалла комитетининг раиси, меҳнат ветерани Низомиддин Алимов таклифи билан Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлганларнинг хотираси учун бир минут сукут сақланди. Шундан кейин у йиғилганларни Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги билан табриклади ва Совет Иттифоқи Қаҳрамони Солиҳ Умаровга сўз берди.

Қаҳрамон жангчи ўз хотираларини сўзлаб берди. У, айниқса Берлинни олиш учун бўлган жангларда совет жангчилари зўр матонат кўрсатганликларини таъкидлади.

Шунингдек, Улуғ Ватан урушн қатнашчилари ҳамда Ғалабага фронт орқасида муносиб ҳисса қўшган меҳнат ветеранларини район ҳарбий комиссари Ф. Б. Маликов қизғин табриклади. Улуғ Ватан уруши ветеранлари ва меҳнат ветеранларига байрам совғалари тақдим этилди.

Ф. НУРИДДИНОВ,
меҳнат ветерани.

Ҳеч ким, ҳеч нарса унутилмайди

АЛЬБОМГА БИТИЛГАН ХОТИРАЛАР

Содиқ ака истиқомат қиладиган Қўйлиқ массивидаги хонадоннинг эшиклари ҳамиша очиқ. Бу ерга ветеран жангчининг қуролдош дўстлари тез-тез меҳмон бўлиб келишади. Хонадон гўё тўйхонага ўхшаб кетади. Қуролдошларни табриклаш учун қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар, биродарлар кириб келишади. Хонадон соҳиби Содиқ ака Йўлдошев жанг хотираларини шошилмасдан, ички бир туғён, ҳаяжон билан ҳикоя қилади. Бордию шаҳар ва қишлоқларнинг номини эслолмай қолса, дарҳол альбомдаги харитани қўлга олади. Ундан ўша манзилнинг номини дарров топади...

Жанглар тугаб, барча собиқ аскарлар тинч ҳаёт бағрига шўнғиб кетдилар. Орадан кўп йиллар ўтди. Лекин қуролдошларнинг оғир жангларда тобланган дўстлиги уларни бир-бирларини излашга ундади. Александр Сергеевич Сунгуров тошкентлик дўстини қидириб топди. Қутлуғ хонадонда меҳмон бўлди. Фронтдаги биродарлик рамзи сифатида ана шу альбомни ҳадя қилди. У тарихий фотосуратлар билан безатилган. Шундан кейин икки полкдош яна бир қуролдошларини қидириб Чирчиққа боришди. Бу шаҳарда Ускен Сандазимовни топишди. Ускен Будапештни озод қилиш пайтида оғир ярадор бўлган. Биринчи группа инвалиди. У жуда хурсанд бўлди. Кейин жанг хотираларини ёдга олишди...

Ўша кезларда Бош қўмондонлик буйруғи билан 7-дивизияга қарашли 213-артиллерия полки тузилган эди. Унга Сталинградни мудофаа қилиш топширилди. Жуда қаттиқ ва мисли-сиз жанг бўлди. Ҳарбий мутахассисларнинг таъбири билан айтганда, «фашизм армиясининг қуёши Сталинградда ботди». Душманнинг 330 минг солдат ва офицерлари қуршовга олинди.

1943 йилнинг кеч кузида Содиқ хизмат қилаётган қисм Днепр соҳилидаги Никополь шаҳрига жойлашиб олган газандаларни тор-мор этиш учун дастлабки зарбани бера бошлади.

— Разведкачиларимиз душман батареялари жуда яқинимизда жойлашганлиги ҳақида маълумот келтиришди, —дейди Содиқ ака Йўлдошев.— Маълумотни команда пунктига зудлик билан етказиш керак эди. Командиримиз қатъий қарорга келди. да, алоқа самараларини тиклаш ҳақида буйруқ берди. Жўнаб кетган икки алоқачи қайтиб келмади. Вазифа менга топширилди. Алоқа сими линияси бўйлаб эмаклаб боравердим. Симнинг узилган қисмини топиб, уладим. Шу заҳоти кучли гумбурлаш овози эшитилди. Артиллерячиларимиз душман қисмларининг кулини кўкка совуришди.

С. Йўлдошев хизмат қилган дивизия Улуғ Ватан урушн йилларида катта жасорат кўрсатди. Зафарли юриш билан Сталинграддан Австриягача бўлган 4450 километр масофани жанг билан босиб ўтди. 7-артиллерия дивизияси Сталинград остоналаридаги ҳал қилувчи жангларда совет қўшинларининг ишончли таянчи бўлди. Дивизия Қизил Байроқ, Суворов, Кутузов орденларини олди. Донбасс, Сталинград, Никополь, Кицкин шаҳарларда, Свирь, Днестр дарёларининг соҳилларида, Балатон кўли бўйларида душман истеҳкомларини ёриб ўтди. Будапештни озод этди.

Душманнинг 407 артиллерия батареяси, 349 миномёти, 533 танки, 3220 пулемётини яксон қилди, 68112 солдат ва офицерини сафдан чиқарди. Унинг жангчиларидан 29 киши Совет Иттифоқи Қаҳрамони фахрли унвонига сазовор бўлди. Юзлаб жангчи ва офицерлар орден ва медаллар билан тақдирландилар. Уларнинг орасида Содиқ Йўлдошев ҳам бор эди. Ҳозиржавоблиги, кўрсатган қаҳрамонликлари учун икки марта «Жасурлиги учун» медали, уч марта Олий Бош қўмондонликнинг ташаккурномаси билан тақдирланди.

Ҳозир дивизия ветеранларининг совети тузилган бўлиб, полкдошлар тез-тез учрашиб туришибди, биргалашиб жанг қилган жойларига боришмоқда. Қуролдошлар ўтган йили Одессада учрашишди. Молдавиядаги собиқ Кицкин плацдармига боришди. Ҳалок бўлган ўртоқларининг қабрларига гулчамбарлар қўйишди.

Ғалаба куни яқинлашган сайин Содиқ аканинг хонадони гавжумлашмоқда. Ўғил-қизлари, набиралари, қуролдош дўстлари байрамолди қувончларини у билан баҳам кўришмоқда.

А. ПЎЛАТОВ,
Д. ҚИРҒИЗБОЕВ.

● «ВЕТЕРАН» ПОЧТАСИДАН

МЕҲРИБОНЛИК УЧУН ТАШАККУР

Жонажон Коммунистик партиямизнинг совет халқига кўрсатаётган доимий ғамхўрлигидан ғоят миннатдормиз. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг яқинда қабул қилинган «1986 1990 йилларда ва 2000 йилгача бўлган даврда аҳолининг буюртмаларн билан уй-жойларни, боғдорчилик ширкатларн учун иморатларни, гаражлар ҳамда бошқа иморатларни ремонт қилиш ва қуриш соҳасидаги ихтисатларни рнвожлантириш тадбирларн тўғрисидаги Қарорн ҳам ана шу ғамхўрликнинг яна бир ифодаси бўлди.

Биз партия ва ҳукума, тимизнинг янги қарорини Киров районидаги Янгиариқ маҳалласи аҳолиси, уруш ва меҳнат ветеранлари ўртасида ўқиб, ғоят хурсанд бўлдик. Сўзга чиққанлар бу қарор ҳам халқ фаровонлигини оширишга хизмат қилажагини таъкидладилар.

Ж. АБДУЛЛАЕВ,
меҳнат ветерани.

Халқ соғлиғи—юрт бойлиги

Саломатлик қандай, солдат?

Улар эндигина мактабда бўлиб ўтган учрашувдан қайтишган. ди. Ҳатто истеъфодаги полковник Владимир Васильевич Насонов устидаги орден ва медаллар тақилган кителнинг ечмаган ҳам эди. Шу пайт хонага иссиқ чеҳрали ёш аёл кириб келди.

— Қўшни уйда яшовчи Улуғ Ватан урушн қатнашчисини кўрмоқчи бўлиб ўтаётган эдим,— деди у, —шу баҳонада сизни ҳам бир кўришга қарор қилдим. Ўзингизни қандай ҳис этяпсиз?

— Ҳозир, доктор, биз фронтчиларининг касал бўлишимиз учун вақт йўқ, — дейди кулиб В. Насонов. — Ҳар бир ёш собиқ ўқчи ротаси командири босиб ўтган жанговар йўлни билишнн хоҳлайди. Учрашувда менинг дўстим — собиқ катта сержант Игорь Васильевич Городецкийга ҳам кўплаб саволлар беришди. Ҳозир ёшлар олдида тез-тез чиқишга тўғри келяпти. Шу баҳонада юрак ёшариб, ҳар қандай касалликка ҳам чекинмоқда.

— Юрагингиз, Владимир Васильевич, албатта ёшармоқда. Аммо вақт, уруш йилларидаги машаққатлар, албатта ўз изини қолдирган. Умуман сизнн кўриш учун киргандим. Шу билан бирга Игорь Васильевичнинг қон босимини ҳам ўлчаб қўяман,— деди участка врачи Ранса Шулимовна Подлубная.

— Балки, азиз меҳмон бир пиёла чой ичар (шу пайт ҳаваскор фотомухбир уларни суратга олди).

1-поликлиника врачи Р. Ш. Подлубная хизмат қиладиган участкада 50 дан ортиқ уруш ветерани истиқомат қилади. Бир сўз билан айтганда, ҳақиқий одамохун инсон. Шу боисдан ҳам доимо ширинсухан врачга уруш ветеранларн меҳр-муҳаббат билан мурожаат этишади.

В. БАЯНОВ.

***

СУРАТДА: уруш ветеранлари В. В. Насонов ва И. В. Городецкий ҳамда участка врачи Р. Ш. Подлубная.

Б. Сулаймонов фотоси.



● ХАТ БОСИЛМАДИ, АММО ЧОРА КЎРИЛДИ

МЕДИЦИНА ХИЗМАТИ ЯХШИЛАНАДИ

Улуғ Ватан урушн инвалиди П. Ғиёсов редакцияга хат йўллаб, «Ўзбексельмаш» заводининг медицина-санитария қисмн ишидаги камчиликлар. ни баён қилган эди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Л. Реймдан олинган жавобда айтилишича, «Ўзбексельмаш» заводи медицина-санитария қисмининг биноси хизмат кўрсатилаётган аҳолининг сони ошганлиги сабабли санитария талабларига жавоб бермай қолган. Шу сабабли «Бодомзор» микрорайонида янги поликлиника қурилиши кўзда тутилган. Аҳолига стационар хизматнн яхшилаш мақсадида ҳунартехника билим юртининг собиқ биноси стационар учун ажратилган. Ҳозир бинонн капитал ремонт қилиш ишлари тугалланди. 200 ўринли стационар яхши жиҳозланди ва медицина кадрлари билан таъминланди. Аҳолига, айниқса Улуғ Ватан урушн қатнашчиларига медицина хизматн кўрсатишнн яхшилаш юзасидан бошқа тадбирлар ҳам амалга оширилаяпти.

КИОСК ЎРНАТИЛАДИ

Улуғ Ватан урушн қатнашчиси У. Маҳкамов редакцияга хат йўллаб, Юнусобод массивининг «Шодлик» микрорайонида яшовчи аҳолн газета-журнал киоски йўқлигидан қийналаётганини баён қилган эди.

Тошкент шаҳар «Союзпечать» агентлигидан олинган жавобда хабар қилинишича, аҳолининг эътирози ўрнили деб топилди. Имконият туғилиши билан Юнусобод массивининг 13, 14, 15-кварталлари аҳолиси учун киоск ўрнатиб берилади.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

3 ТОШКЕНТ ВЕТ ОҚШОМИ

7 МАЙ. 1985 й.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ КИНОТЕАТРЛАР ВА МАДАНИЯТ САРОЙЛАРИДА

ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ

7-12 МАЙ КУНЛАРИ

БАДИИЙ ВА ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАРНИНГ

ТЕМАТИК КЎРИГИ ЎТКАЗИЛАДИ

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР

«ДРУЖБА» КИНОТЕАТРИДА
7 майда — ДАРДИНГНИ ОЛАЙ.
8-9 майда — ГЕНЕРАЛ ШУБНИКОВ КОРПУСИ.
10-12 майда — БЕРЛИН ЙУЛИДА.

«ВАТАН» КИНОТЕАТРИДА
7 майда — БУ ЕРЛАР СОКИН.
8-9 майда — ИЮНЬ ЧЕГАРАСИ.
10-11 майда — МЕН ЯШАЙДИГАН УЙ.

«ВЛКСМ 30 ЙИЛЛИГИ» КИНОТЕАТРИДА
7 майда — БУ ЕР СЕНИНГ ФРОНТИНГ.
8-9 майда — МЕН СЕНИ ҲЕЧ ҚАЧОН УНУТМАЙМАН.
10-11 майда — ТИНЧ ОКЕАНДА ҲАМ.

К. ЕРМАТОВ НОМЛИ КИНОТЕАТРДА
7 майда — ЙИГИРМА ОЛТИНЧИСИ ОТИЛМАСИН.
8-9 майда — ОСМОН ДАРВОЗАСИ.
10-11 майда — ЮЛДУЗ УЧИШИ.

«МОСКВА» КИНОТЕАТРИДА
7 майда — ВАТАН УЧУН.
8-9 майда — ДИВИЗИЯ КОМАНДИРИНИНГ БИР КУНИ.
11-12 майда — БАЙРАМ КУНИДА.

ЛИСУНОВ НОМЛИ КИНОТЕАТРДА
7-8 майда — ҚАЛЪА.
9-10 майда — БЕШ КУН-У, БЕШ ТУН.
11-12 майда — КАДКИННИ ҲАММА БИЛАДИ.

«ВОСТОК» КИНОТЕАТРИДА
7 майда — ҚАЕРДАДИР ЙИҒЛАР ЗАРҒАЛДОҚ.
8-9 майда — ЯГОНА ЙЎЛ.
10-12 майда — ГИРДОБ.

ТЎҚИМАЧИЛАР МАДАНИЯТ САРОЙИДА
8-майда — РОССИЯНИНГ ОҚ ҚОРИ.

ПОЙАФЗАЛЧИЛАР МАДАНИЯТ САРОЙИДА
7 майда — БУЙРУҚ: ЧЕГАРАДАН ЎТИЛСИН.
8 майда — МЕН СЕНИ ҲЕЧ ҚАЧОН УНУТМАЙМАН.

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР

«ВАТАН» КИНОТЕАТРИДА
7 майда — ГЕНЕРАЛ ҲАҚИДА ХОТИРАЛАР.
8-9 майда — ҒАЛАБА КУНИДАГИ ХОТИРАЛАР.

ТОШСОВЕТ 50 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ КИНОТЕАТРДА
7 майда ҲИКОЯ ҚИЛИШГА АРЗИЙДИ.
8-9 майда — ҒАЛАБАГАЧА 19 ОЙ БОР.

«ИСКРА» КИНОТЕАТРИДА
7 майда — СОЛДАТ БЕВАЛАРИ.
8-9 майда — СИЗ ОНАЛАРДАН СЎРАНГ.
10-12 майда — ҚИЗИЛ ДАФТАР.

«ЧАЙКА» КИНОТЕАТРИДА
7 майда — ТЕЖЕНЛИК ИВАНОВЛАР.
8-9 майда — ГАЛИНА ВИКТОРОВНА, ҚАНДАЙ ЯШАЯПСИЗ.

М. ШАЙХЗОДА НОМЛИ КИНОТЕАТРДА
7 майда — ЎТТИЗ ТЎҚҚИЗ ЙИЛДАН СЎНГГИ РЕПОРТАЖ.
8-9 майда — ПРОХОРОВКА ОСТОНАСИДАГИ ДАЛА.
10-12 майда — РУДОБЕЛКА, 1941 йил.

«НУКУС» КИНОТЕАТРИДА
7 майда — МАНГУЛИККА ДАХЛДОР.
8-9 майда — СОЛДАТ БЕВАЛАРИ.

«МОСКВА» КИНОТЕАТРИДА
7 майда — МАХСУС БАТАЛЬОН.
8-9 майда — ОДЕССА — ҚАҲРАМОН ШАҲАР.

«ДРУЖБА» КИНОТЕАТРИДА
7 майда — БИР ТЕЛЕГРАММА ТАРИХИ.
8-10 майда — УЛДИРИЛГАН ҚИШЛОҚЛИК АЁЛ.

«ФЕСТИВАЛЬ-4» КИНОТЕАТРИДА
7 майда — СЕНГА ВАСИЯТ ҚИЛАМАН.
8-9 майда — ХОТИРА СУДИ.

«ВЛКСМ 30 ЙИЛЛИГИ» КИНОТЕАТРИДА
7 майда — СИЗ ҲЕЧ ҚАЧОН УНУТИЛМАЙСИЗ.
8-9 майда — УЙГА ҚАЙТИШ.
10-12 майда — ШУ ШАҲАРДА.

ЛИСУНОВ НОМЛИ КИНОТЕАТРДА
7 майда — ЛОЧИНЛАР ҲАМ УЧИШДИ.
8-9 майда — «ТАЙФУН» ОПЕРАЦИЯСИНИНГ ҲАЛОКАТИ.
10-12 майда — Ленинград — ҚАҲРАМОН ШАҲАР.

ҲАМЗА НОМЛИ КИНОТЕАТРДА
7 майда — ҲАЛҚ ХОТИРАСИ.
8-9 майда — ШТУКЕНБРОК УЧУН ГУЛЛАР.

«ЯНГИОБОД» КИНОТЕАТРИДА
7 майда — ВОЛГА БУЙИДАГИ ШАҲАР.
8-9 майда — ТАҚДИРИ БУЮК ШАҲАР.

«ЗВЕЗДА ВОСТОКА» КЛУБИДА
7 майда — МАНГУЛИККА ДАХЛДОР.
8-9 майда — УТТИЗ ОЙ ДУШМАН ИЧКАРИСИДА.

ИНДИРА ГАНДИ НОМЛИ МАДАНИЯТ САРОЙИДА
7 майда — СЕВАСТОПОЛЬ КОРАБЕЛЛАСИ.
8-9 майда — «ТАЙФУН» ОПЕРАЦИЯСИНИНГ ҲАЛОКАТИ.

ПОЙАФЗАЛЧИЛАР МАДАНИЯТ САРОЙИДА
7 майда — ИВАНСИЗ ҚАНДАЙ МАРИЯ.
8-9 майда — ЛОЧИНЛАР ҲАМ УЧИШДИ.
10-12 майда — ПОЛК КОМАНДИРИ.

УЙСОЗЛИК КОМБИНАТИ КЛУБИДА
7 майда — ГЕНЕРАЛ КАРБИШЕВ.
8-9 майда — ГЕНЕРАЛ ВАТУТИН.

«ТАШКАБЕЛЬ» МАДАНИЯТ УЙИДА
7 майда — Уруш аёлларнинг иши эмас. 6-фильм.

БУЮРИ, ОРДЕНЛАРИНГИЗНИ ТАҚИНГ!

9 майда — Ғалаба куни.
ПАВЛОВСК ҲАҚИДА ХОТИРАЛАР.
11-12 майда — СЕНИНГ НОМИНГ СЕВАСТОПОЛЬ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ КИНОЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ.



МАРКАЗИЙ УНИВЕРМАГ

ҒАЛАБА БАЙРАМИГА АТАБ СОВҒА БУЮМЛАРИ **СОТИБ ОЛИШНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.**

Москва ва Минск корхоналарида тайёрланган «ПОЛЁТ», «РАКЕТА», «ЗИЛ» **қўл соатлари;**

«РОССИЯ-303», «СЕЛГА-404», «СОКОЛ-404», «ХАЗАР-404»,

«СОКОЛ-308», «ГИАЛА-410», «ЭЛЕКТРОНИКА-403» **транзистор радиоприёмниклари сотувга қўйилган.**

Бундан ташқари фронтдош ўртоқларнинг учрашувларини бир умрга акс эттириб қолиш учун фотоаппаратлар жуда ҳам қўл келади.


Магазинда «ВИЛИЯ-АВТО», «СМЕНА», «СМЕНА-СИМВОЛ», «ЭЛИКОН», «ЗЕНИТ-ЕТ», «ЗЕНИТ-12», «ЗЕНИТ-19», «ЗЕНИТ-Е» фотоаппаратлари сотувга қўйилган.

ЦУМ (телефон 56-77-91)

ЖАНГЧИ ҲУРМАТИ ҲАММА НАРСАДАН АЗИЗ

БУЮК ҒАЛАБА КУНИГА АТАБ ЖАНГЧИГА ТАҚДИМ ЭТИЛГАН СОВҒА ҲУРМАТ ВА САДОҚАТ БЕЛГИСИДИР.

ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИ




Ана шу улуғ айём куни энг муносиб эсдалик совғаси бўлиб қоладиган молларни

СОТИБ ОЛИШГА ЧОРЛАЙДИ

Сотувга «ХАРЬКОВ-36», «ХАРЬКОВ-51», «ХАРЬКОВ-61», «ЭРА-10» электр устаралари;
қўл электрон ва механик соатлар;
«ВЕСНА», «ЯНТАРЬ» стол ва девор соатлари;
СУВЕНИРЛАР, БИЛЛУР ИДИШЛАР СОТУВГА ҚЎЙИЛГАН.

ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИ (Телефон 55-39-66).



КИЧИК БЎЛСА ҲАМ ҚУЛАЙ

«САПФИР-401-1» ҚЎЧМА ТЕЛЕВИЗОРИ

ҒОЯТДА КИЧИК ВА ЕНГИЛ. ТЕЛЕВИЗИОН МАРКАЗДАН АНЧА УЗОҚДА БЎЛИШИГА ҚАРАМАЙ 12 КАНАЛДАН ИСТАЛГАНИДА КЎРСАТУВЛАРНИ АЪЛО ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

Кўчма телевизор электр тармоғи ва аккумулятордан қувват олиб ишлайди.

БУ ҚЎЧМА ТЕЛЕВИЗОР АВВАЛГИ МОДЕЛЛАРИДАН ИШОНЧЛИ ОЗУҚАЛАНИШ БЛОКИ ВА ЭЛЕКТР ҚУВВАТИНИ КАМ САРФЛАШИ БИЛАН АЖРАЛИБ ТУРАДИ.

РЯЗАНЬ «КРАСНОЕ ЗНАМЯ» ЗАВОДИ.

ДАМ ОЛИШ САФАРИ АНЖОМИ

ЧОДИР, РЮКЗАК, ФУТБОЛ ТЎПИ ВА БОШҚА БИР ҚАТОР БУЮМЛАР СИЗНИНГ ДАМ ОЛИШ САФАРИНГИЗДА ҒОЯТДА ҚЎЛ КЕЛАДИ.

Чодир сизнинг вақтинча хонаки «хонадонингиз» бўлса, унинг атрофидаги дала тайёр стадиондир. Агарда у чодир атрофида дарё ёки кўл бўлса, — демак балиқ ови авжига чиқади!

Биз дам олиш отпускасини табиат қучоғида ўтказишга ҳозирлик кўраётган саёҳат ишқибозларига спорт ва туристик анжомларни сотиб олишларини тавсия этамиз.

«УЗСПОРТТОРГ» МАГАЗИНЛАРИ АДРЕСИ:

1 — У. Юсупов кўчаси, 3-уй;

2 — Муқимий кўчаси, 16-уй;

42 — Олой бозори;

22 — Олмазор массиви, 15/3;

МАГАЗИНЛАР ҚУЙИДАГИ МОЛЛАРНИ СИЗНИНГ ДИҚҚАТИНГИЗГА ҲАВОЛА ҚИЛАДИ:

чодирлар, рюкзаклар, спорт сумкалари; волейбол ва футбол тўплари, қармоқлар, пўкаклар, гантеллар, ёзги спорт кийимлари, купальниклар ва плавкилар, шунингдек сув велосипедлари, «Прогресс» маркали моторли қайиқлар, «Амур» катерлари.

«УЗСПОРТТОРГ»НИНГ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЛАРАРО БАЗАСИ.



«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-27).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 7/V да **Концерт**, 9/V да **Байрам концерти.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 7/V да **Шошма, қуёш**, 8/V да **Маршал Жуков**, 9/Vда **Маршал Жуков.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА 8/V да **Тошкентликлар** (20.00), 9/V да **Концерт** (18.00).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Р. **Акопян иштирокида катта байрам томошалари** (9/V да 12, 15, 18.00).

КИНО

7 МАЙДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«СПОРТЛОТО-82» — **Мир** (тоқ соатларда), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25), **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-63-60).

«ТЎСИҚЛАР МАЙДОНИ» **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51).

«ОТРЯД» — **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-23).

«ИНСОНГА НИМА УЧУН ҚАНОТ КЕРАК» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда), **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«МИМОЗАЛАР ГУЛДАСТАСИ ВА БОШҚА ГУЛЛАР» — **К. Ерматов номли** (жуфт соатларда), **Ғунча** (16, 17.30, 19, 20.30; телефон 42-02-22).

8 МАЙДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«СПОРТЛОТО-82» — **Тошкент - Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25),

«ТЎСИҚЛАР МАЙДОНИ» — **Мир** (жуфт соатларда), **К. Ерматов номли** (жуфт соатларда, телефон 24-22-66),

«ОТРЯД» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда),

«ИНСОНГА НИМА УЧУН ҚАНОТ КЕРАК» — **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-23), **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59),

«ТАҚДИР» — **Лисунов номли** (17, 20.00).

СССР Алоқа министрлигининг

ТОШКЕНТ АЛОҚА ЭЛЕКТРОТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

19 май соат 11.00 да

ОЧИҚ ЭШИК КУНИНИ ЎТКАЗАДИ

Институт адреси: 700084, Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 108-уй.

ТОШКЕНТЛИКЛАР ДИҚҚАТИГА!

«СЎНГГИ ИНСПЕКЦИЯ» КИНОКАРТИНАСИНИ

СУРАТГА ОЛИШ ГРУППАСИ

18-28 ёшли йигит ва қизларни,
30-70 ёшли эркак ва аёлларни
СЪЕМКАГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Адрес: Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси, 1-уй. «Ўзбекфильм» киностудияси. Телефонлар: 77-93-63, 77-95-38).

«Узгипрогаз» давлат лойиҳа институти коллективи институтнинг моддий-техника таъминоти бошлиги

Ҳамид Ҳайдарович ҲАЙДАРОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент политехника институти кимё-технология факультети коллективи «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва сувни тозалаш» кафедрасининг катта ўқитувчиси К. Х. Ҳидоятовга онаси

Салтанат ҲАКИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг 3-босмахонаси коллективи босмахона ишчиси Т. Боймуротова онаси

Иқбол БОЙМУРОТОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов район халқ маорифи бўлими ва 22-мактаб педагогика коллективи шу мактабнинг онатили ва адабиёт ўқитувчиси М. Шоаҳмедовга ўғли

Мирзааҳмад МИРАҲМЕДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

ТВ

сешанба

7 АПРЕЛЬ
РАДИО КУНИ, АЛОҚА БАРЧА ТАРМОҚЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ БАЙРАМИ

● МТ I

18.35 «Қувноқ нотачалар».
18.45 Радио кунига. «Фан ва турмуш». Кўрсатувда СССР Алоқа министри В. А. Шамшин ва СССР Алоқа министрининг ўринбосари Ю. Б. Зубарёв иштирок этади.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Ветеранлар қалбан қариймайдилар». Улуғ Ватан уруши ветеранларининг Москва эркаклар хори куйлайди.
20.20 «Номаълум солдат». Телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия.
21.30 «Время».
22.05 Союзлар уйининг Колонна залида Радио кунига бағишланган концерт. Концерт тугагач — «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Давр ва ўзим ҳақимда». А. Сурков ижодига бағишланган телефильм.
19.50 «Тасвирий санъат». Шарҳ.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Музикали киоск».
21.15 «Денов ажойиботлари». Телефильм (Тошкент).
21.30 «Время».
22.05 **Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Одерда баҳор».** Бадиий фильм.

● ЎзТВ I

17.45 Янгиликлар.
18.00 «Пионерлар мамлакатида».
18.30 «Бугун — Радио куни».
19.00 **«Ғалабанинг 40 йиллиги» республика бадиий кўргазмаси** (рус.).
19.30 «Ахборот». (рус.).
19.45 **Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. Ҳ. Олимжон. «Роксаннинг кўз ёшлари».**
20.10 «Пилла — бойлигимиз».
20.30 «Ахборот».
20.50 Радио кунига бағишланган концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.05 **Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Халқлар ҳукми».**
23.20 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 Болалар учун фильм. «Енисей»нинг ёш денгизчилари».
18.35 «Журналистчасига ростгўйлик билан». Телефильм.
19.00 «Ватан солдатлари». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия (рус.).
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 **Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Солдат қалби». Адабий композиция.**
21.00 **Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Фронт ортида ҳам Ғалаба учун курашилди»** (рус.).
21.30 МТ II.

чоршанба

8 АПРЕЛЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 **«Номаълум солдат».** Телевизион бадиий фильм. 3-серия.
10.50 **«Эртага тонгда Ғалаба байрами».** Уруш ветеранлари Совет комитетида Буюк Ғалабанинг 40 йиллигини байрам қилинишига тайёргарлик ҳақида ҳужжатли фильм премьераси.
11.30 Янгиликлар.
13.55 **Информацион кўрсатув.**
14.35 **Улуғ Ватан урушн йиллари қўшиқлари.**
15.10 А. Твардовский. «Василий Тёркин». РСФСР халқ артисти О. Табаков ўқийди. Фильм-концерт.
17.25 А. Бородин. 2-«Қаҳрамонлик» симфонияси.
17.55 УЛУҒ ВАТАН УРУШИДА СОВЕТ ХАЛҚИ ҚОЗОНГАН ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС. Концерт. Кремлнинг Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Время».
23.20 «Фақат учиш эмас...». Телефильм.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Хизматимиз оддий». Телефильм.
11.10 «Ансамбль» операциясн». Музикали фильм.
11.40 «Хотира». Ҳужжатли бадиий фильм.
12.55 **Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. Мактаб ўқувчилари учун. «Салют, Ғалаба!»**
13.55 **Москва. Информацион кўрсатув.**
17.10 Кўрсатувлар программаси.
17.15 «Хотира». Ҳужжатли фильм премьераси («Ўзбектелефильм»).
17.25 «Ахборот» (рус., ўзб.).
17.55 МОСКВА. УЛУҒ ВАТАН УРУШИДА СОВЕТ ХАЛҚИ ҚОЗОНГАН ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС. Концерт. Кремлнинг Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Время».
23.20 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 «Спорт даврими». Телефильм.
18.30 **Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Халқнинг буюк жасорати».**
19.00 «Ватан солдатлари». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия (рус.).
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 **Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Жасорат ва ростгўйлик билан». Кинопрограмма.**

4 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ
7 МАЙ. 1985 й.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ [«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»]
—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.
(Газета бир йилда 300 марта чиқади).

БИЗНИНГ АДРЕС:
700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29- 70; эълонлар бўлими— 33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Индекс 64690. **1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.**

Р 12238.